Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 14 (20. 281) • 1989 йил 17 январь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Сайлов комиссиясига келиб тушган КПСС Марказий Комитети 1989 йил 10 январдаги Пленумининг СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги протоколини, шунингдек, депутатликка номзодлари кўрсатилган кишиларнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан овозга қўйилишга розиликлари ҳақидаги аризаларини муҳокама қилган сайлов комиссияси СССР халқ депутатлигига барча номзодларни кўрсатиш «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ўтказилган, деб топди.

Комиссия қуйидаги ўртоқларни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар қилиб рўйхатга олди:

Абалкин Леонид Иванович — 1930 йилда туғилган, СССР Фанлар академияси экономика институтининг директори, Москва шаҳри.

Абуладзе Тенгиз Евгеньевич — 1924 йилда туғилган, Грузия ССР Маданият министрлиги «Грузияфильм» киностудиясининг постановкачи-режиссёри, Тбилиси шаҳри.

Аверкин Владимир Николаевич — 1951 йилда туғилган, 1-мактаб-интернат директори, Новгород шаҳри.

(Давоми 3-бетда).

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

КПСС Марказий Комитетида 13 январь куни бўлиб ўтган кенгашда янги иқтисодий муносабатларни фаол ривожлантириш шароитида мамлакат агросаноат комплексидаги бошқарувни демократик негизда такомиллаштириш йўллари муҳокама этилганлиги илгари хабар қилинган эди. Кенгашга бир қанча район, область, ўлка партия комитетларининг, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг, область, ўлка ва республика агросаноат комитетларининг раислари, агрокомбинатларнинг бош директорлари, агросаноат бирлашмаларининг, агрофирмаларнинг, агросавдо корхоналарининг, илмий-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш системаларининг раҳбарлари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг ва қайта ишлаш корхоналарининг директорлари, аграрчи олимлар, ижарачилар, шунингдек бир қанча министрлик ва идораларнинг ходимлари, оммавий ахборот воситаларининг нафояндалари таклиф қилинган эдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **М. С. Горбачев** кенгашни очиб, бундай деди:

Партия Марказий Комитетининг аграр сиёсат масалаларига бағишлаб март ойида ўтказиладиган Пленумига тайёргарлик соҳасидаги ишимизнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди. Бу — муҳим Пленум бўлади. Бўлажак партия анжуманининг аҳамиятини таъриф лаш учун бу сўз ҳатто етарли эмас, деб ўйлайман. Бунинг сабаби шуки, ички сиёсатимизнинг туб йўналиши муҳокама қилинади.

Биз аграр сиёсат ҳақида, аграр комплекс тўғрисида сўзлаганимизда, гап аввало ҳар қандай давлат олдида турган энг муҳим муаммолардан бири — озиқ-овқат масаласи тўғрисида боради. Бу — биз қайта қуриш шароитида янгича ёндашувлар асосида ҳал этишимиз, тўла-тўкис, кўнгилдагидек ҳал қилишимиз керак бўлган масаладир. Озиқ-овқат масаласини ҳал этиш чўзилиб кетганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бироқ муаммони ҳал этиш учун бизда ҳам иқтисодий, ҳам социал, ҳам табиий шароитлар борлигига ишончимиз комил.

Биз аграр сиёсат ҳақида сўзлаганимизда гап ғаллакорлик меҳнати билан шуғулланаётган кишилар тўғрисида, уларнинг турмуши ҳақида, колхозчи-деҳқонлар тўғрисида, ишчилар синфи ҳақида бораётганини назарда тутамиз. Зотан, табиийки, агар аграр сиёсат қишлоқ меҳнатчиларининг манфаатларини — ҳам социал, ҳам иқтисодий, ҳам маданий манфаатларини, умуман одамлар манфаатлари ва орзу-умидларининг кенг доирасини эътиборга олмаса, ҳеч қандай аграр сиёсат самарали, сермаҳсул, баракали бўлиши мумкин эмас.

Биз аграр сиёсат ҳақида сўзлаганимизда бу тармоқнинг, мана шу аграр-саноат халқ хўжалиги комплексининг хусусиятини — у муайян табиий шароитларда иш юритишини назарда тутамиз. Тармоқ табиат билан боғланган, у билан бевосита муомала билан боғланган. Бу эса қишлоқ меҳнатчиларининг бутун фаолиятига жуда катта таъсир ўтказади. Биз табиатни инкор қила олмаймиз, бугина эмас — табиат билан ҳамдўстлик асосидагина, унга ҳурмат билан қарагандагина бугун ҳам, эртага ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ишонч билан юритиш ва ривожлантириш мумкин бўлади. Бунда — катта масалалардир, ўртоқлар. Бу соҳада — мелиорация ишида ҳам, деҳқончилик системаларида ҳам дуруст бўлган эмас, кўпгина хатоларга ҳам йўл қўйилди. Биз ҳар бир региондаги, қоларерса, ҳар бир колхоздаги, ҳар бир даладаги табиатнинг хусусиятларини тушуниш ўрнига, баъзан биз, очигини айтганда, табиатга ўтакетган зўравонлик қилиб келдик.

Биз қишлоқ хўжалиги ҳақида, аграр комплекс тўғрисида сўзлаганимизда, гап ҳамиша энг муҳим масала ҳақида — ер тўғрисида, ердаги инсон ҳақида боради. Инсон ва замин — аграр сиёсатнинг қисқача таърифидир. Бу соҳадаги кўп нарса бир-бири билан боғланган. Биз инсонни заминдан, ишлаб чиқариш воситаларидан ажратиб қўйиш маъносида мамлакатда деҳқончиликни ўз ҳолига ташлаб, кўп нарсадан маҳрум бўлдик ва бутун аграр ишга, аввало одамларнинг ерга бўлган муносабатига катта зарба урдик. Бунинг устига мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларни ўзгартириш жараёнида аграр секторнинг манфаатларига ҳамиша риоя этилгани йўқ, ерга жуда масъулият билан қараш кераклиги эътиборга олингани йўқ.

Исрофгарчиликка бир назар ташланг: ҳар бир гидростанция қурилиши биланоқ катта-катта қайир ерлардан маҳрум бўлиняпти. Ҳолбуки, мана шу сув босадиган пичанзорлар ва яйловлар маҳсулот берар эди. Бунда гап миллионлаб гектар энг яхши экинзорлар ҳақида боряпти, кўпгина хўжаликлар ўз чорвачилигини мана шу ерлар ҳисобига боқар эди. Бу ҳам яна бир хатодир.

Қисқаси, аграр иш — бутун жамиятимиз турмушининг негизига дахлдор бўлган улуғвор ишдир, уни халқ хўжалиги тармоқлари билан уйғунлаштирмай туриб, тегишли эквивалент муносабатларни йўлга қўймай туриб, юритиб бўлмайди. Бир вақтлар, таъбир жоиз бўлса, қишлоққа оғирликни ташлаш, унинг ресурсларини саноат потенциалини барпо этиш учун жалб этиш тарихий зарурат бўлган эди. Муайян тарихий давр шуни тақозо этган эди. Аммо бизда шу ҳолат одат тусига кириб қолди. Бу эса бутун аграр сиёсатни, бинобарин, практикани ҳам издан чиқарди, қишлоқ хўжалигининг аҳволига ва иш натижаларига жиддий таъсир қилди. Биз бу аҳволга рози бўлишимиз ва тоқат қилишимиз мумкин эмас. Бинобарин, уйғунлаштириш, эквивалентлик масаласи пайдо бўлади. Бутун халқ хўжалик комплекси, унинг ҳамма тармоқлари ўзаро боғлиқ ҳолда, узлуксиз ривожлана бориши керак. Мана шу уйғунликни, эквивалент муносабатларни йўлга қўядиган механизмларни топиш лозим.

Аграр секторнинг ўзида қанчадан-қанча турли янгилишишлар борлигига назар ташланг. Улар ҳақида пухта ўйламоқ керак. Биз бир неча масалани — иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш, қишлоқни социал жиҳатдан ободонлаштириш масаласини ва, албатта, ер тўғрисидаги масалани шу муаммоларнинг марказига қўйдик. Бу ҳақда гапираётганимнинг сабаби шуки, ҳозирги кенгаш — Пленумга тайёргарлик юзасидан олиб борилаётган катта ишнинг бир қисмидир.

Биз Пленумга босиб ўтилган йўлни, ютуқларимизни назардан ўтказиш, йўл қўйилган янглишишлардан сабоқлар чиқариб олиш учун обдон тайёргарлик кўрган ҳолда боришимиз керак. Ютуқларга тяниб, хаталардан қутилиб, экономикамизнинг шу муҳим соҳасига нисбатан йўл қўйилган бузилишларни тузатиб, бизни жамиятимиз манфаатларига мувофиқ келадиган самарали ишлаш йўлига олиб чиқа оладиган замонавий аграр сиёсатни таклиф қилиш учун ҳозирги аграр секторидаги ишлар аҳволининг реал манзарасини кўра билиш лозим.

Биз Пленумга пухта ўйланган концепция билан боришимиз керак. Бу — сиёсатдир. Биз бу Пленумда жамики конкрет масалаларни ҳал этиш вазифасини қўймаймиз. Аммо биз ҳамма жиҳатларни эътиборга оладиган ва аграр саноат комплексини дадил ривожлантириш, озиқ-овқат муаммосини тезроқ ҳал қилиш учун йўл очиб берадиган сиёсий шарт-шароитларни яратишимиз, йўл-йўриқларни ишлаб чиқишимиз лозим. Бугунгидек учрашувлар доирасида (ҳозиргача мана шундай бир неча учрашув ўтказилди) аграр секторнинг турли соҳаларидаги ишларнинг аҳволи муҳокама қилинди, таҳлил этилди. Марказий Комитетнинг 1982 йил май Пленумидан кейин орттирилган тажриба, шу жумладан пудратнинг, ижара муносабатларининг турли усулларини ривожлантиришда, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришда, бошқа тармоқлар билан ўзаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда орттирилган тажриба ва бошқа кўпгина жиҳатлар чамалаб чиқилди.

Бугунги учрашувимизнинг вазифаси йиғилиб қолган муаммолар хусусидаги фикрлар ва таклифларни норасмий, ошкора, рўй-рост гаплашиб олишдан иборат. Сиз фақат бир неча сўз айтишингиз мумкин, аммо ўз нуқтаи назарингизни билдиришингиз муҳимдир. Холисона, ҳалол гапириш керак. Учрашувимиз мавзуи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш билан алоқадордир, колхоз ва совхоз даражасидаги, ижара муносабатларини ривожлантиришнинг энг бошланғич бўғинидаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши қандай бўлиши кераклиги билан боғланган. Биз колхоз ва совхозлар тўғрисида турли нуқтаи назарларни эшитдик. Уларнинг роли ва аҳамияти тўғрисида бизнинг нуқтаи назаримиз маълум. Биз шунчаки одатланиб қолганимиз учун эмас, балки моҳият эътибори билан, шу ёндашувнинг ҳақлигига ишончимиз комил бўлганлигидан мана шу нуқтаи назарни ҳимоя қиляпмиз.

Биз қишлоқ райони даражасидаги бошланғич бўғинлар қандай бошқарилиши ва уларнинг ўзаро алоқаси қандай бўлиши кераклигини кўриб чиқишимиз лозим. Масалан, колхозда ижара муносабатларини ривожлантириш асосида кооперативларнинг кооперативи вужудга келаётган экан, демак жараён давом этмоқда. Бу жараён фақат кенг демократия негизидагина давом этиши мумкин. Бир қанча районларда тулаликларнинг тажрибасидан фойдаланиб, кооперативлар директорларининг, раҳбарларининг кенгашлари тузилмоқда. Бу кенгашлар у ёки бу районнинг имкониятларини рўёбга чиқариш учун бутун сиёсатни, жамики ўзаро алоқаларни белгилаб бермоқдалар. Бу ҳолатда агросаноат аппарати эса ўзининг ҳақиқий ўрнини олмоқда — у кенгашга хизмат қилмоқда, масалаларни ҳал этишда ёрдам бермоқда.

Энди район бўғини олдида маҳсулотни сотишда хўжаликларга қандай қилиб ёрдам бериш, уни қандай қилиб қайта ишлаш, капитал қурилишни ялпи куч-ғайратлар билан қандай қилиб яхшироқ олиб бориш, қайси масалаларни биринчи галда ҳал этиш, кооперациялашни қайси йўналишларда олиб бориш масалалари пайдо бўлмоқда. Аппарат вакили деҳқонга қандай қилиб уруғ сочиш, ер ҳайдаш ва шу кабиларни ўргатиши керак эмас, балки колхозга юқоридаги масалаларда ёрдам бериши лозим. Энди ҳатто кооперативнинг, колхоз правлениесининг раиси, совхознинг директори кооператорга команда бериши ва буюриши мумкин эмас. У экология, ветеринария характеридаги муаммолар пайдо бўлган тақдирда, фан-техника тараққиёти билан боғлиқ масалалар келиб чиққан тақдиргина ўз сўзини айтади. Аралашма, ёрдам бер, деган сўзлар шу куннинг ўзига хос шиоридир.

Сўнгра область, ўлка даражасидаги ишларнинг аҳволи қандай? Бу жойларда нега аввалгидек команда беришни ўзига вазифа қилиб олган бўлинмалар сақланиб қолмоқда? Демак, районда, колхозда, совхозда тўғри ечимлар топилмоқда, область, республика ва ҳатто марказ даражасида каттакон буйруқбозлик-бюрократик аппарати ҳамон сақланиб қолмоқда. Нега? Колхозда нималар бўлаётганини тузукроқ билмайдиган қандайдир раҳбар турли-туман беҳуда, баъзан эса зарарли кўрсатмалар бериши учунми?

Биз мана шу масалаларнинг ҳаммасини бугун аниқлаб олмоқчимиз. Бу — жуда муҳим, чунки ҳозир қайта қуриш давом этмоқда, катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Биз турмушнинг ўзи тақозо этган кўпгина фойдали ишларни аниқлаб олдик, аммо уларнинг ҳаммаси ҳамон кўпгина раҳбарлар ва мутахассислар ёпишиб олган умри тугаган бошқарув усулларига бориб тақалмоқда. Бу раҳбар ва мутахассислар мамлакатдаги озиқ-овқат муаммосини тезроқ ҳал этиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан овора бўлгилари келмаяпти.

Биз мутахассисларимизни активлаштиришимиз керак. Мутахассис кераклигини одамлар тушунадилар. Одамлар ижара муносабатларини йўлга қўйиб, кооператив тузишга киришишлари биланоқ ишни биладиган, ишлай оладиган мутахассисни ўз коллективларига таклиф этмоқдалар.

Бугунги кенгашимизнинг мавзуи мана шулардан иборат, ўртоқлар. Рўй-рост гапиришга яна бир бор даъват этаман. Нима қилмоқ керак, қайта қуришнинг жуда катта имкониятларини амалда рўёбга чиқариш учун иқтисодий муносабатлар жараёнини, қишлоқдаги бутун қайта қуриш жараёнини қандай қилиб такомиллаштирмоқ лозим?

Кенгашда СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси **В. С. Мураховский** доклад қилди. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг иттифоқдош республикалар ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ, мамлакатдаги агросаноат ишлаб чиқаришини бошқариш системасини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар тайёрланди. Бу таклифлар озиқ-овқат таъминоти масалаларини ҳал этишда регионларнинг кўпроқ мустақиллиги учун реал шарт-шароитлар яратишга, бу ишдаги ҳаддан ташқари марказлашувни тугатишга, асосий ишлаб чиқариш бўғини бўлмиш колхозларга, совхозларга ва қайта ишлаш корхоналарига асосан иқтисодий усулларда қишлоқдаги кооператив ҳаракатни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш учун кенг ҳуқуқлар бериб қўйишга қаратилган.

Агросаноат комплексидаги бошқарув структурасини имкони борича соддалаштириш ва бошқарув самарадорлигини ошириш кўзда тутилади.

Мақсад — хўжалик ҳисобидан, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашдан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кучайтиришда регионларининг мавжуд резервлари ва имкониятларини тузукроқ ишга солишдан ҳамда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни жиддий равишда яхшилашдан иборат.

Қишлоқ хўжалигидаги ва саноатнинг озиқ-овқат тармоқларидаги қайта қуриш КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумидан кейин бошланганини докладчи эслатиб ўтди. Айни шу даврда хўжалик юритишнинг иқтисодий усуллари ролини кучайтиришга қаратилган қатъий йўл тутилди. Қишлоқдаги ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш учун Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун, Кооперация ҳақидаги Қонун ҳамда партия Марказий Комитети билан ҳукуматнинг агросаноат комплекси корхоналари ва ташкилотларини тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш тўғрисидаги қарори бениҳоя муҳим аҳамиятга эгадир. Мана шу ва бошқа бир қанча ҳужжатларни амалга ошириш ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг белгиланган ўзгартишларга ғоят мос бўлиб тушадиган янги усулларини ривожлантириш учун шароит яратди.

Аввало колхоз ва совхозлар составидаги коллектив ҳамда ижара пудратлари, кооперативларнинг ҳар хил турлари шу жумлага киради. Кейинги йилларда агросаноат тузилмаларининг принципиал янги типлари — райондаги агросаноат бирлашмалари, шунингдек агрокомбинатлар, агрофирмалар, агросавдо корхоналари, турли-туман ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш системалари ҳамда бирлашмалари вужудга келди. Мана шуларга қарамай, деди сўзини давом эттириб докладчи, агросаноат комплексида ҳамон бошқарувнинг ҳаддан ташқари марказлашуви, кўпгина инкир-чикир масалаларни юқори бошқарув поғоналарида ҳал этишга интилиш давом этиб келмоқда. Агросаноат ишлаб чиқаришини бошқаришнинг амалдаги кўп бўғинли, ташкилий структураси айниқса қишлоқда кооператив ҳаракати ва ижара муносабатлари ривожланиб бораётганлиги, тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтилаётганлиги сабабли хўжалик юритишнинг янги принципларига тобора кўпроқ зид бўлиб қолаётганини ҳам беш йилликнинг ўтган йиллари тажрибаси кўрсатди.

Докладчи агросаноат комплексининг турли бўғинларидаги асосий бошқарув принципларини таърифлаб, колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалиги социалистик системасининг асоси, мамлакатда мустаҳкам озиқ-овқат фондини вужудга келтиришнинг бош манбаи бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолаверишини таъкидлади. Ҳозир гап ишлаб чиқариш муносабатларини бутун чоралар билан такомиллаштириш, ички хўжалик кооперативларини ва ижарани ривожлантириш ҳисобига колхоз-совхоз системасига янги ҳаёт бахш этиш тўғрисида бормоқда. Бошқача қилиб айтганда, деҳқоннинг ердан ва ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувини бартараф қилиш, уни ҳақиқий хўжайинга айлантириш лозим. Кундалик тажриба колхоз ва совхозлар доирасида янги ташкилий усулларни муваффақиятли ривожлантириш намуналарини бермоқда.

Ҳозир колхоз ва совхозларнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинлари аслида фаолиятнинг ижара муносабатларига ва кооператив принципларига асосланган бошланғич меҳнат коллективларининг бирлашмалари бўлиб қолмоқда. Бунда колхозчилар ва ишчилар ўзини ўзи бошқаришда ҳар қачонгидан ҳам кенг миқёсда ҳақиқий равишда қатнашмоқдалар.

Бунда колхоз ёки совхоздаги хўжалик юритиш системаларининг яхлитлиги бузилмайди, маъмуриятнинг бошқарув вазифалари тобора бошланғич меҳнат коллективларининг самарали ишлаши учун шароит яратиб беришга қаратилади. Бошқарув системасини қуришга мана шундай ёндашиш кўпгина колхоз ва совхозларда ўзининг яхшилигини кўрсатди. Докладчи Ростов областидаги Матвеево-Курган районининг «Победа» колхози мисолида хўжалик ҳисоби, ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришдаги мустақилликни ва демократик негизларни ривожлантириш принципларидаги ишлаб чиқариш муносабатларининг юксак самарадорлигини кўрсатиб берди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида кооперативларнинг янги типлари ҳам, деҳқонларнинг оилавий меҳнат хўжаликлари ҳам ривожланиши мумкин.

Ижара, оилавий, меҳнат деҳқончилик хўжаликлари мустақил ишлай олмаслиги мутлақо равшан, ривожланиш мантиқига кўра улар колхоз ва совхозларга туташадилар ёки хизматни яхшироқ йўлга қўйиш, маҳсулот сотиш, таъминот муаммоларини ҳал этиш учун кооператив уюшмаларга бирлашадилар.

Район даражасида колхоз ва совхозларнинг хўжалик фаолиятини бошқариш қуйидан шакланиши, корхоналардан бошланиши лозим. Колхоз ва совхозлар, шунингдек уларга хизмат қиладиган ташкилотлар бирлашиб, райондаги хўжалик бошқаруви органи бўлмиш кенгашни тузадилар. Бундай кенгашлар колхоз ва совхозларнинг нормал фаолиятини таъминлаши лозим бўлган вазифалар билан шуғулланадилар. Колхоз ва совхозларга буйруқ бериш билан эмас, балки улар муҳтож бўлган бошқарув вазифаларини бажариш билан шуғулланадилар. Кенгаш колхозларнинг, совхозларнинг ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари томонидан сайланиши ҳамда кенгашнинг қарорлари бажарилишини уюштирадиган иш аппаратига эга бўлиши, аммо колхоз ва совхозларга команда бермаслиги лозим.

Докладчи агрокомбинатлар, агрофирмалар, агросавдо бирлашмалари, ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш системаларининг фаолиятига тўхталиб, бу ташкилотларга кириш фақат ихтиёрий бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Область, ўлка ва автоном республика даражасидаги бошқарув қандай бўлади? Бу жойларда ҳам область, ўлка ва автоном республиканинг агросаноат бирлашмаларини бошқарадиган кенгашлар сайланиши мумкин бўлур эди.

Бошқарув структураларини тузишда андозачилик бўлмаслиги керак, деди докладчи сўзини давом эттириб. Ҳамма ишни бир хил қолип асосида бичиш ярамайди. Агросаноат комитетларини буйруқ бериш вазифаларидан, колхоз ва совхозларга ҳамда бошқа корхоналарга оператив раҳбарлик қилишдан халос этиш, уларнинг куч-ғайрати ва диққат-эътиборини хўжаликларда ёки район даражасида ҳал этишнинг имкони бўлмаган ёки самарасизроқ бўлган масалаларгагина қаратиш учун конкрет шарт-шароитларга асосланмоқ керак.

Районлардаги, областлар, ўлкалар ва республикалардаги агросаноат комплексида ташкилий структураларни қайта қуриш режаси мантиқан иттифоқ даражасидаги бошқарув вазифаларини ўзгартиришга олиб боради.

Ҳозир озиқ-овқат муаммоси мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг энг муҳим масаласидир. Шу муносабат билан агросаноат комплексининг устунлигини бундан буён ҳам таъминлаш талаб қилинади. Қишлоқнинг социал соҳасини ривожлантириш, материал-техника базасини, айниқса қайта ишлаш саноати, маҳсулотни асраш ва ташишнинг материал-техника базасини мустаҳкамлаш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим. Ҳар бир регионнинг имкониятлари ва хусусиятларидан ғоят тўла-тўкис фойдаланишни эътиборга олиб, йирик умумдавлат программаларини тайёрлаш марказнинг энг муҳим вазифасидир. Агросаноат ишлаб чиқаришининг ўзида ҳам, шунингдек бошқа халқ хўжалик комплекслари билан ҳам иқтисодий муносабатларни тартибга солиш соҳасида катта иш қилиниши зарур. Агросаноат комплекси билан саноат сектори ўртасидаги эквивалент айирбошлаш масалалари, иқтисодий нормативларни ишлаб чиқиш масалалари шулар жумласига киради.

Агросаноат комплексининг хўжалик механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларини, ижара муносабатларини, кооператив ҳаракатни ривожлантириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, мамлакатнинг агросаноат корхоналарини халқаро меҳнат тақсимотига фаол жалб этиш тадбирларини амалга ошириш ҳам марказнинг жуда муҳим вазифасидир.

Пировардида докладчи бундай деди:

Орттирилган тажрибани ва замонавий талабларни эътиборга олиб, биз агросаноат комплексини бошқарадиган марказий ва республика органларининг вазифалари ҳамда структурасини яна бир бор пухта ўйлаб кўриб, янада аниқроқ белгилаб олишимиз, бу соҳадаги қайта қуришни планли равишда амалга оширишимиз зарур.

Колхозлар, яъни кооперативлар — қишлоқдаги ўзаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг энг олий усулидир, — деди Вологда областидаги «Аврора» совхозининг директори **Н. М. Подгорнов**. «Аврора» совхози, деди у, ҳозир тўла хўжалик ҳисобига ўтган, унинг коллективи асосий фондларни ижарага олган, шахсан мен ижарасиз хўжалик ҳисоби нималигини ва хўжалик ҳисобисиз ижара нималигини тасаввур эта олмайман, деди директор сўзини давом эттириб, бу нарса менинг тасаввуримга сиғмайди. Уларнинг бири иккинчисисиз яшай олмайди, Агар шу йўлдан бориладиган бўлса, колхозлар давлат корхонаси бўлмиш совхозлардан бир поғона юқори туради, деб ҳисоблайди у.

Сўнгра нотиқ ҳозир қишлоқдаги кўп ишларни ташвишга солаётган масалага тўхталди: маъмурий ва статистика ҳисоботлари агрокомплекснинг бўғзига бамисоли сиртмоқ бўлмоқда. Бухгалтерия ҳисоб-китоби ҳозирча мукаммал эмас, колхоз ва совхозларни материал-техника ресурслари билан таъминлашда дуруст тартиб йўқ. Бу соҳада вужудга келган схемани ўзгартириш лозим, биздаги ҳисобот битта бўлиши: қанча ва қандай маҳсулот сотилгани, ихтиёримизда қанча асосий ва оборот маблағлари борлиги кўрсатилиши керак.

Бухгалтерия ҳисоб-китоби шу қадар содда бўлиши керакки, уни ҳар бир ишчи инсон, ижара коллективининг ҳар бир аъзоси тушунадиган бўлсин.

Тула областидаги «Новомосковское» агросаноат бирлашмасининг раиси **В. А. Стародубцев** ўз нутқида мамлакат агросаноат комплексидаги иқтисодий муносабатларни ва бошқарувни қайта қуришни таҳлил этишга асосий эътибор берди.

Қишлоқ хўжалик ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларнинг раҳбарияти ҳамда конгроллигини сергак тутадиган бюрократик бошқарув органлари системаси ғоялари яна илгари сурилмоқда. Хом ашё ва озиқ-овқат етиштирувчи колхоз ва совхозлар яна шу системанинг бошқарув объектлари деб ҳисобланмоқда.

Зўр бериб қилинаётган бу тиришқоқликнинг сабабини мутлақо тушуна олмаяпман, деди нотиқ. Ахволдан қутилиш иложини шундан изламоқ керакки, мамлакат агросаноат комплексининг ҳамма соҳалари — қайта ишлаш саноати, ишлаб чиқариш инфраструктураси, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш асосан колхоз ва совхозларнинг вакиллари томонидан бошқариладиган бўлсин, уларнинг манфаатларига мувофиқ тарзда ишлайдиган бўлсин. Ихтиёрий асосда колхозлар, совхозларнинг ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчиларнинг район, облаасть, ўлка, регион ёки иттифоқ даражаларидаги агросаноат уюшмаларини тузиш ҳуқуқи берилиши зарур.

Район даражасида колхоз ва совхозларнинг, корхона ва ташкилотларнинг хом ашё тайёрлаш, ташиш, қайта ишлаш билан, савдосотиқ, ишлаб чиқариш инфраструктураси билан шуғулланувчи кооперация асосида бирлашган корхоналари бўлиши зарур. Область, республика ва иттифоқ даражаларидаги агросаноат уюшмаларини ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш, материал-техника таъминоти, агросаноат комплексини илмий жиҳатдан таъминлаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

Чамаси, ҳозир мамлакат агросаноат комплексини давлат ва хўжалик йўли билан бошқариш вазифаларини бир-биридан чегаралаб қўйишни зарур, деб ҳисобламоқ керак. Сўнгра нотиқ ўзининг иқтисодий, хўжалик жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини яқол исботлаган агросаноат бирлашмаларининг тажрибасини расмият учунгина эмас, балки амалий равишда оммалаштириш зарурлигига тўхталди.

Қишлоққа хом ашё етказиб берувчи дебгина эскича ёндашишга чек қўйиш лозим. Шу сабабли агросаноат комплексидаги кўпгина хўжалик вазифаларини жиддий равишда қайтадан идрок этиб чиқиш, таҳлил қилиш, бу вазифаларни ҳал этишга чуқурроқ ёндашиш талаб қилинади.

Озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал этиш, озиқ-овқат бозорини маҳсулот билан мўл-кўл таъминлаш учун ҳозир иқтисодий, ташкилий ва технологик тарздаги бир қанча мураккаб, долзарб муаммоларга комплекс ёндашиб, уларни ҳал қилиш лозим бўлади, деди Украина ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **И. И. Лукинов**. Ў ўз нутқида иқтисодий система ва иқтисодий тартибга солиш билан боғлиқ масалаларга тўхталди. Агар биз иқтисодий бошқарув усулларини, жумладан, нарх-навони ва молия-кредит муаммоларини бартараф этиш усулларини, инвестиция ва структура сиёсати усуллари ҳамда системасини жиддий равишда эгаллаб олмасак, ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил қилиш формаларини нечоғли такомиллаштирмайлик, барибир тузукроқ муваффақиятларга эриша олмаймиз, деди у.

Биз УССР Фанлар академиясининг экономика институтида ишлаб чиқариш чиқимлари, таннарх, нарх ва ишлаб чиқариш рентабеллигининг ҳаракати тенденцияларини кон саноати тармоқларидан бошлаб, то халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва агросаноат комплексигача синчиклаб таҳлил этиб чиқдик, деди нотиқ.

Гап шундаки, кейинги 25 йил мобайнида ишлаб чиқариш ёппасига қимматлашиб кетди, дейди олим. Масаланинг моҳияти қуйидагича: нархлар системаси ноэквивалент тарзда бўлганлиги оқибатида узоқ вақтгача қишлоқ хўжалиги мамлакат экономикасининг инвестиция соҳасидаги ўзига хос донори бўлиб хизмат қилиб келди.

Шунга асосланиб, нотиқ нархни ислоҳ қилиш зарурлигини айтди, бу ислоҳотни амалга оширишнинг ўз назарида мақсадга мувофиқ бўлган принципларига тўхталди.

Шундан кейин сўзга чиққан Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **С. К. Гросс** ҳозирги вақтда қарор топган буйруқбозлик усулидаги бошқарув системаси маҳсулот етиштирувчилардан ва истеъмолчилардан ажралиб қолганини, унчалик эпчил эмаслигини, ҳозирча хўжалик юритишнинг иқтисодий усуллари устунликка эришмаганини таъкидлаб ўтди.

Хўжалик мустақиллигига эришиш йўлини сабот билан очиб бораётган маҳсулот етиштирувчилар билан авваргидек маъмурий усулларда иш кўраётган юқори бошқарув табақаси ўртасида очиқ-ойдин зиддият вужудга келди.

Шу сабабли, деди нотиқ, биз тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида аграр-саноат комплексини бошқаришнинг кўпгина вазифаларини бевосита жойлардаги совет ва хўжалик органларига топшириш заруратини пишиб етилганлигига ишончимиз комил.

Нотиқнинг фикрича, республикада бозор шароитида кенгайтирилган таклиф ишлаб чиқаришга, ўз жамғармалари ҳисобидан социал муаммоларни ҳал этишга қодир бўлган янги ишлаб чиқариш тузилмаларини барпо этмоқ керак. Ҳозирги вақтда республикада аграр-саноат комплексини қайта тузиш ниҳоясига етказилмоқда, маъмурий-бошқарув аппарати қисқартирилмоқда. Айни вақтда колхоз ва совхозларга, қайта ишлаш корхоналарига, бирлашмаларга уларнинг мустақиллигини ошириш соҳасида жуда муҳим аҳамият берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон Компартияси Навоий область комитетининг собиқ иккинчи секретари Жавлон Мавлонович Жонибековнинг узоқ давом этган касалликдан сўнг 1989 йил 15 январда 46 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Москва областидаги «Раменский» агрокомбинатининг бош директори **Қ. В. Куницкий**га сўз берилади.

Агар мендан бугун: «Кубань», «Раменский» ва бошқа агросаноат комбинатлари тўғрисидаги ёки «Новомосковское» агросаноат бирлашмаси ҳақидаги фикримни сўрашса, мен агросаноат комплексини бошқаришнинг шу усули учун иккала қўлимни кўтариб овоз берган бўлур эдим, деди у. Нега? Чунки биз бу янги тузилмаларни, айниқса, озиқ-овқат муаммоси ўткир бўлиб турган, бу муаммони жадал суръатлар билан ҳал этиш лозим бўлган бир пайтда демократик асосда тузяпмиз.

«Раменский» агрокомбинатининг раҳбари шу комбинатнинг иши ҳақида гапириб, унга кирувчи 53 та корхона ва ташкилотнинг ҳаммаси рентабел ишлаётганини, тўла хўжалик ҳисобида ҳаракат қилаётганини таъкидлади.

М. С. Горбачев нотиқдан хўжаликнинг агросаноат комплекси бошқаруви турли бўғинлари билан ўзаро муносабатлари ҳақида батафсилроқ гапириб беришни, бу бўғинлар хўжаликларга, ишлаб чиқаришга қай даражада зарурлигини айтишни илтимос қилади.

К. В. Куницкий. Васийларсиз ишлаш осонроқ. Улар бирмунча вақт жимиб қолган эдилар, энди яна бош кўтара бошладилар, бунинг устига яна конфетларнинг килограммларини, сабзавотимизнинг ҳаракат маршрутларини белгилаб беришга, бир қанча бошқа масалаларга аралашишга киришмоқдалар. Иш шунгача етиб борди-ки, биз бир неча кун муқаддам Иттифоқ агросаноат комитети ва агробанк имзоси билан телеграмма олдик, унда маҳаллий давлат банклари ва агробанклар ҳар бир хўжаликда иш ҳақининг сарфланиши устидан бирма-бир назорат ўрнатиши кераклиги айтилган.

«Раменский» агрокомбинатининг директори агрокомбинат доирасида ижара муносабатлари қандай ривожланаётганлиги тўғрисида М. С. Горбачевнинг саволига жавоб қайтариб, тўла-тўкис ижара пудратига ўтган «Заворово» совхозини мисол қилиб кўрсатди. 10 та кооператив: 2 та деҳқончилик, 4 та чорвачилик кооперативи, автотранспорт кооперативи, механик устахона, қурувчилар ва уй-жой-маиший хизмат ходимлари кооперативлари тузилган. Орадан бир йилдан камроқ вақт ўтган бўлса-да, конкрет натижалар кўриниб турибди. Маҳсулот сифати, айниқса, тез ошмоқда. Ҳозир хўжаликдаги 89 та оила ижара пудрати асосида ишламоқда.

Менинг фикримча, деди сўзининг охирида нотиқ, ижара пудратини биринчи галда совхоз ёки колхоз ичида ривожлантириш керак, чунки бу усул маҳсулот етиштиришни кўпайтиришгагина олиб бормай, шу билан бирга бош вазифани ҳал қилиш — ернинг аниқ хўжайнини қатъий белгилаб қўйиш имконини ҳам беради.

Ростов область Матвеево-Курган районидаги «Победа» колхозининг раиси **В. А. Гулов** минбарга чиқади. У колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиши керак, деб ҳисоблаётган кишиларнинг фикрига тўла-тўкис қўшиларётганини айтди. У ўз фикрини ўзи бошчилик қилаётган хўжаликнинг мустаҳкам иқтисодий аҳволини тасвирловчи маълумотлар билан исботлаб берди.

Нотиқ ёрдамчи ҳунармандчиликларни янада ривожлантириш, колхоз ва совхозларнинг қарздорлиги муаммосини оқилона ва тез ҳал этиш, социал-маданий-маиший масалаларга эътиборни кучайтириш кераклигини айтди. Колхозлардаги болалар боғчаси бир амаллаб мослаштирилган бинога жойлашган, мактаб биноси аллақачон чириган. Аммо ремонт ишлари орқага сурилмоқда, хўжаликда бинокорлик материаллари йўқ. Шаҳар эса қишлоққа ўз ёрдамини бўшаштириб юборди.

Колхоз раиси планлаштиришда эркинлик бўлиши зарурлиги ҳақида гапирар экан, хўжаликни давлатга биринчи галда зарур бўлган маҳсулотни етиштиришдан манфаатдор қила оладиган иқтисодий омил зарурлигини таъкидлади.

Белоруссия ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси **Ю. М. Хусаинов** ўз нутқида область агросаноат комитетларининг аппаратидаги вазифалар анчагина ўзгарганини айтиб берди. Район агросаноат бирлашмаларининг бошқармасида туб қайта қуриш ҳам ўтказилди, деб таъкидлади у. Ҳамма жойда хўжалик бошқарувининг органлари сайлаб қўйиладиган бўлди, демократик негизда ва хўжалик ҳисоби принципларида ишлайдиган район бирлашмаларининг кенгашлари сайланди. Советлар хўжаликларнинг хизмат қилувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабат принципларини ўз хоҳишига кўра белгилаб бермоқдалар.

Республикада район бирлашмалари иқтисодий бошқарув усулларини ўзлаштириш, ресурс тежайдиган технологияларни, деҳқончилик ва чорвачиликнинг илғор системаларини жорий этиш билан шуғулланувчи илмий-ташкилий марказлар бўлиб қолди.

Нотиқнинг фикрича, колхоз ва совхозлар, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотини етиштиришни ташкил этишнинг асосий шакллари-дир. Чамаси, бир қанча ҳоллар-да маҳаллий органларга мулкчилик шаклларини ўзгартириш, чунончи, айрим паст рентабелли давлат корхоналарини коллектив хўжаликларга айлантириш ҳуқуқини бериб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Нотиқ планлаштириш, бошқарув системаси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш, хўжалик ҳисобини ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган бир қанча жуда муҳим муаммоларга тўхталиб ўтди.

Мен шунга аминманки, деди В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги **В. А. Тихонов**, биронта йирик хўжалик системаси фақат йирик, юксак даражада марказлаштирилган корхоналардагина яшаши мумкин эмас. Биз ишлаб чиқаришни марказлаштиришнинг фақат юксак даражасини кўзлаб иш тутаверадиган бўлсак, зарур пропорционалликка ва айни вақтда пропорциялардаги изчилликка ҳеч қачон эриша олмаймиз.

Ҳар қандай хўжалик системаси йирик, ўрта товар ва майда товар ва хатто товарсиз корхоналарнинг бирлигидан иборатдир, жаҳон тажрибаси ҳам шуни кўрсатиб турибди. Мана шундай структурагина мазкур корхоналарнинг ўзаро алоқа боғлашига, етарлича мослашувчан ва зарур ҳолатларда маҳсулотларга бўлган ижтимоий эҳтиёжлар ўзгаришига қараб ўзгариб борадиган структурани йўлга қўйишга имкон берадиган зарур қайишқоқ механизмни вужудга келтиради.

Сўнгра нотиқ ишлаб чиқариш воситаларининг нархини белгилаш муаммоларига тўхталиб, ҳозир Давлат нарх комитети қилаётганидек, бир хил нархларни эмас, балки энг паст ва энг юқори нарх чегараларининг белгилаб қўйишни таклиф этди. Башарти, комбайнлар ишлаб чиқарадиган ва шу машиналарни бозорда танҳо ўзи сотадиган монополиячи саноатчи белгилаб қўйилган нархдан ошиб кетадиган бўлса, давлат шунга яраша солиқ солиб, комбайн ишлаб чиқарувчини чиқимлар ва нархни камайтириш имкониятини қидиришга мажбур этади.

Бошқарувнинг янги системаси шароитида, деди сўзини давом эттириб нотиқ, колхоз, совхоз ва бошқа хўжаликнинг хўжалик дахлсизлигини гарантиялаш керак. Хўжалик юритиш объекти бўлган ердан фойдаланишни ернинг давлат мулки эканлигидан ажратиб қўйиш ҳамда колхозлар, совхозларнинг ердан мустақил фойдаланишини муайян юридик ҳужжат-шартнома орқали мустаҳкамлаш мазкур ҳуқуқларнинг гарантияси бўлиши мумкин. Шу ернинг эгаси бўлган давлат мазкур ердан фойдаланганлик учун белгилаб қўйилган ҳақ олиш йўли билан ўзининг эгалик ҳуқуқини рўёбга чиқарадиган бўлади.

Литва ССРдаги «Видмантай» агросавдо совхозининг директори **В. М. Решае** минбарга чиқади. Биз асосан бошқарув структурасига, схемасига эътиборни қаратяпмиз, аммо хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларига, нархларга, кредитларга, чет эллар билан алоқаларга, эквивалент айирбошлашга кам эътибор беряпмиз.

Сўнгра нотиқ Паланга курортини озиқ-овқат билан таъминлаётган ўз корхонасининг иши ҳақида гапириб берди. Совхознинг райондаги, шунингдек бошқа жойлардаги шериклар билан ўзаро алоқалари муаммоларига тўхталиб, у хўжаликнинг ўз қайта ишлаш саноатини вужудга келтириш, жойларда хўжалик масалаларини ҳал этишда кўпроқ мустақиллик бериш муҳимлигига эътиборни қаратди.

Ҳозир ижарачи совхозсиз ва колхозсиз якка ўзи яшай олмайди, деди нотиқ. Янги формаларни излашда биз вужудга келтирилган инфраструктурадан фойдаланишимиз лозим. Мутахассислар ва раҳбарлар ишининг самарадорлигини оширишнинг ҳамма ўзларининг меҳнатига тўланадиган ҳақни етиштирилган маҳсулотга боғлиқ қилиб қўйиш керак.

Нотиқ пировардида материал-техника таъминоти муаммоларига, шунингдек маҳсулотга нарх қўйишга тўхталиб ўтди.

Сўнгги вақтда агросаноат комплексида бошқарув структураларида катта ўзгаришлар юз берди, иқтисодий механизм такомиллаштирилди. Бироқ афсуски, шу вақтга қадар озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжни тўлатўкис қондира олмадик, деди «Славгородское» агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси, Олтой ўлкаси Славгород районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси **Г. А. Беккер**.

Нотиқ бунинг асосий сабаби — иқтисодий ислоҳот секин, айрим бўғинларда нотекис, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши бораётганлигида, деб ҳисоблайди. Колхозлар, совхозлар ҳамда агросаноат комплекси бошқарма корхоналарининг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиши, ижара муносабатларини жорий этиш, социалистик корхона ва кооперация тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилинганлиги, деди у, экономикада бутун бошқарув системасини қайта қуришни талаб қилаётган мутлақо янги вазиятни вужудга келтирмоқда. Бироқ шу вақтга қадар буйруқбозлик-маъмуриятчилик чўққиларини сақлаб қолиб, хўжалик ҳисоби муносабатларини қайта қуришга уринишлар бўлмоқда.

Биз, деб давом этди хўжалик раҳбари, жойларда мазкур районнинг аҳолиси учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўзда тутиш ва бундан хўжаликларни манфаатдор қилиш тарафдоримиз. Айни шу кунда зарур бўлган маҳсулотларни етиштириш керак. Масалан, ҳозир бизга дон зарур бўлса, бунинг учун тегишли тадбирларни амалга оширишимиз ва донни кўпроқ сотишимиз керак.

Лекин СССР Министрлар Советининг тасдиқлаган 1989—1990 йилларга давлат буюртмасини белгилаш тартиби тўғрисидаги мувақкат низомда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун давлат буюртмаси ўлкага етказилиши, ўлка эса агрокомитетларга, агрофирмаларга, бирлашмаларга етказиши ёзиб қўйилган. Хўжаликларнинг эса юқоридан берилган кўрсатмани итоаткорлик билан бажаришдан бошқа иложи йўқ.

М. С. Горбачев. Бу масала кўп муҳокама қилинди, давлат буюртмаси эса қоланверди. Баъзи бировлар: ўзимиз хоҳлаган нарсани етиштирамиз, дейишмоқда. Бунинг устига, бизнинг нарх белгилаш практикасида, нарх сиёсатида тажрибамиз жуда кам, худди шу сингари солиқ сиёсатида ҳам тажрибамиз кам — бизда буларнинг ҳаммаси ҳали тартибга солинмаган. Хўш, нима қилиш керак? Келинглар, нарх-наво, қизиқтириш омиллари буюртмалар масалаларини биргаликда ҳал қилайлик, тўғри жавобларни, вариантларни биргаликда қидирайлик.

Г. А. Беккер. Гапингизни тушундим. Мен қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда анархия бўлиши тарафдори эмасман. Мен — ҳозирги вақтда зарур бўлган маҳсулотни етиштиришдан хўжаликни қандайдир йўл билан кўпроқ манфаатдор қилиш, нархларни тартибга солиш тарафдориман.

Яна бир масала: материал-техника таъминотини яхшилаш лозим. Бугун биз агроснаб керакми, таъминот ташкилотлари керакми, деган масала ҳақида кўп гапирдик. Уларнинг ҳаммаси керак. Бу соҳада ҳеч қандай савол бўлмаслиги лозим.

Сўз «Лён» ишлаб чиқариш системаси кенгашининг раиси, Калинин область Торжок районидаги «Мир» колхозининг раиси **Н. И. Поповга** берилади.

Сўнгги йиллар давомида, деди у, ҳар гектар канопзордан хўжалик кассасига 2,7—2,8 минг сўм соф фойда тушмоқда. Шу сабабли каноп экилган майдонларни камайтириш тўғрисида гап борганда, биз бунинг сабабларини тушунмаяпмиз. Биз бу экинни севамиз, оила, ижара, коллектив пудрат усулида уни етиштиришни ўрганиб олганмиз, шу сабабли бу пудратни система ичида жорий этишга ҳаракат қиляпмиз.

Тола ишлаб чиқарувчи агросаноат системасини барпо этишга нима туртки берди? Яқин атрофдаги хўжаликлар каноп маҳсулотини бешта ёуб заводига топширар эдилар, шулардан иккитаси районимиздан ташқарида жойлашган. Маҳсулотни топшириш учун автобазалардан транспорт олиб, катта пул сарфлар эдик.

Раҳбарлар тўпланишиб, система яратишга қарор бердик. Унинг вазифаси тола ишлаб чиқариш давлат буюртмасини бажаришдан иборат.

Колхозлар ва совхозлар социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг базавий негизи бўлиб қолиши лозимлигига Қозоғистонда қатъий ишонадилар, деди республика Министрлар Советининг Раиси **Н. А. Назарбоев**. Шу муносабат билан у хўжаликка раҳбарлик қилаётган мутахассисларга муносабат тўғрисидаги масалага тўхталди. Қишлоқ хўжалигимиздаги кадрларимизнинг олтин фонди янги ишлаб чиқариш муносабатларининг моҳиятини тушуниб олиш учун улар билан иш олиб бориш керак.

РАПОни олиб кўрайлик. Унинг номигина бор. Агар биз саноатдаги ишлаб чиқариш бирлашмасини оладиган бўлсак, у ҳақиқий бирлашма. 1985 йилдан буён қишлоқда қайта ташкил этиш билан шуғулланмоқдамиз. Агар ҳозиргиси ана шу қайта ташкил этишнинг сўнггиси бўлса, мен уни ёқлаб овоз бераман.

Сўнгра нотиқ агросаноат комплексини бошқаришнинг барча даражалардаги янги структураси хусусидаги таклифларга батафсил тўхталди. Унинг фикрича, республикада Давлат агросаноат комитетини ҳозирги ҳолатида сақлаб қолиш керак. Аммо бу орган чиндан ҳам ишга қобилиятли бўлиши учун ҳамма нарса унинг қўлида бўлиши лозим.

Пировардида нотиқ қишлоқнинг социал муаммоларини ҳал қилишга ёндашувни такомиллаштириш, қайта ишловчи тармоқни ривожлантириш, агросаноат комплекси корхоналарини тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Латвия ССР Давлат агросаноат комитети экономика илмий тадқиқот институтининг директори **А. А. Калниньш** колхозлар ва совхозларнинг янги иқтисодий шароитдаги ишига тўхталди. Иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликларда қандайдир ички ташкилий-иқтисодий жиҳатларни ўзгартиришга ҳожат йўқ, шу сабабли улар келгусида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг асосий формаси бўлиб қоларади.

Фермер хўжаликларни тузиш янги йўналишдир. Фермер хўжаликлари колхозлар ва совхозлар билан ёнма-ён мустақил хўжалик сифатида иш олиб бориши лозим. Хўжалик юритишнинг бундай формасини барпо этиш мумкинлиги шунга асосланадики, колхозлар ва совхозлар экинзорларининг, давлат ўрмон фондининг катта-катта майдонларидан фойдаланилмаяпти ёки жуда самарасиз фойдаланилмоқда. Собиқ хуторлар биноларининг маълум қисми ҳам бекор турибди.

Нотиқ республика даражасида агросаноат комплексини бошқариш муаммоларига тўхталиб, республика миқёсидаги хўжалик ташкилотлари ишлаб чиқариш-техника хизматининг айрим турлари бўйича кооперациялар кўринишида: техника ремонти, бинолар, мелиорация иншоотлари қуриш; маҳсулотлар — сут, моллар, паррандаларни етиштириш ва қайта ишлаш; материал-техника таъминоти тарзида бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга республика даражасида давлат инспекцияси вазифасини бажарадиган агросаноат комитети ёки министрлик тарзида давлат органи ҳам бўлиши лозим.

Иккинчи томондан, бу орган халқ хўжалигининг бошқа соҳалари олдида агросаноат комплексининг манфаатларини ҳамда истеъмолчилар экология жиҳатдан соф маҳсулотларни қулай идишларда, ҳар қандай истиқомат жойида сотиб олишлари мумкин бўлиши учун уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак.

Нотиқ барча ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларингина эмас, шу билан бирга машина-синаш станцияларини ва тегишли конструкторлик бюроларини ҳам ўз ичига оладиган қишлоқ хўжалик машинасозлиги регионал бирлашмасини тузишни таклиф қилди.

Ставрополь ўлкасидаги «Ставропольское» бройлер етиштириш бирлашмасининг бош директори **В. И. Постников** «юқоридан» раҳбарлик қилишнинг маъмурий-бюрократик усулларини бартараф этиш тўғрисида гапирди. Тармоқда, деди у, кооперативлар тузилган бўлиб, улар хўжаликларга тўла мустақиллик беради. Бундай мустақиллик қандай иқтисодий воситалар билан таъминланган?

Биринчидан — сайлов ва бошқарувнинг коллегиал органлари билан таъминланган. Иккинчидан — хўжаликлар 37 та кооперативнинг барча хўжаликларарО муносабатларини савдо-сотиқ негизига кўчирдилар. Тармоқларнинг ички нархлари мавжуд, кооперативларнинг бир-бирлари билан бўлган жамики муносабатлари фақат олди-сотдидан иборат. Бошқа муносабатлар йўқ. Ҳаммаси шартнома негизига қурилган.

Учинчидан ва энг муҳими: пул маблағларини қандайдир тарзда марказлаштиришдан бутунлай воз кечилган. Бизда, деди бош директор, ҳеч қандай марказлаштирилган фондлар йўқ. Ишлаб топилган пулнинг ҳаммаси хўжаликлар тасарруфида қолади. Ҳатто бройлер бирлашмасининг аппарати ҳам компьютер программаларини сотиш, ташқи савдо фаолияти ҳисобига яшамоқда ва пул ишлаб топмоқда. Эндиликда ҳеч ким бизни хўжаликлар мустақиллигига путур етказяпти, дея олмайди.

Ва ниҳоят, сўнггиси: бошқарувда 30 киши қолди. Улар чекланган масалалар билан шуғулланадилар. Масалан, бош директор директорни ишдан олиш, директор тайинлаш, жазо бериш, мукофотдан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бу ишлар билан бирлашма кенгаши шуғулланади.

XIX партия конференциясида мен умуман министрликнинг ҳожати йўқ, деган эдим, деб давом этди бош директор. Энди хато қилганимни тан оламан. Ўз вазифалари билан министрлик ёки бизда бўлгани каби юқоридан қўйилгача аграр-саноат комитетлари бўлиши лозим. Албатта, раҳбарлик бўлиши керак, чунки бу соҳада жуда кўп ишлар тўпланиб қолади.

Давлат агросаноат комитетидан иборат раҳбарлик бўлиши лозим, деди ўз нутқида Ровно областидаги «Заря» агрофирмасининг раиси **В. А. Плютинский**. Агар дирижёр бўлмаса, бирорта ҳам оркестр чалолмайди. Аммо қишлоқ хўжалигидаги жуда кўп янги устқурмалар керак эмас. Уларга хизмат кўрсатувчи автомашиналарга кетадиган ёнилгининг ўзи жуда қимматга тушади. Бу мутлақо ярамайди, деб ҳисоблайди нотиқ.

Нотиқ социалистик мамлакатларимиздаги дўстларимизнинг ҳам, капиталистик мамлакатлардаги фермерларнинг ҳам ижобий тажрибасини дадил қўлланиш зарур, деган фикрни билдирди. Одамларнинг ташаббускорлигига кенг имконият яратиб бериш, хўжаликларнинг раҳбарларига кўпроқ ишониш, қўрқмаслик керак.

М. С. Горбачев. Мен ҳам шунга эришиш учун кўрашяпман. Пленумга барча асосий масалалар бўйича тайёр бўлиб бориш керак. Агар биз Пленумда асосий саволларга жавоб бера олмасак, бундай Пленумнинг кераги йўқ. Биз қўрқиб қолганмиз, эҳтиёткорлик билан секин-секин қадам ташлаяпмиз. Ҳолбуки, улкан тажрибамиз бор, бу тажрибадан хулоса чиқариб олиш керак.

В. А. Плютинский. Хўжалигимизда мутахассислар кўп. Улар ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарига, ҳам саноат корхоналарига бошчилик қилишяпти. Ҳокимиятни бизга топширганликлари учун миннатдормиз. Биз учун ҳеч ким ҳеч нарсани планлаштирмайди, бизни ҳеч ким ҳеч нарсага мажбур қила олмайди, биз қандай қилиб кўпроқ ва арзонроқ маҳсулот етиштириш, кўпроқ фойда олиш йўлини тутяпмиз — бу партия йўли, давлат йўлидир.

Ҳозир бизда, деб таъкидлади нотиқ, демократия, ошкоралик, бизда — қайта қуриш даври. Бу жуда муҳим. Биз одамлар билан иш олиб борамиз, ҳар бир киши нима учун ишлаётганлигини билади, ўзига ишонч билан қарашаётганини билади.

Нотиқ нарх белгилаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, ижара муносабатлари ва социал-маданий турмушнинг баъзи муаммоларига тўхталиб ўтди.

Кенгашда Москва область Ступинский районидаги «Шугарово» кооперативининг раиси **В. П. Трубин** сўзга чиқди. У умрининг ярмидан кўпроғини совхозда механизатор бўлиб ишлаб ўтказди. Илгари бундай бўларди, деди нотиқ, мен ишласам ҳам, бекор турсам ҳам ҳар куни деярли 6 сўм пул олардим. Бир куни қариндош-уруғлар билан келгуси ҳаёт тўғрисида гаплашдик. Ўшанда Шугарово кооперативини тузишга қарор қилдик. Совхоз маъмурияти билан келишиб, шартномага мувофиқ 200 та бузоқни олдик. Кооперативда олдин 5 киши ишладик. 2 киши дарров чўчиб қочиб кетди, 3 киши қолдик.

Ёз бўйи 200 ғунажинни яйловда боқдик, айни вақтда қўтонлар қурдик, фермани ремонт қилдик. Ферма истиқболсиз ҳисобланар, бу ерда фақат қўл меҳнати ҳукм сурар, ҳеч қандай механизация йўқ эди.

Фермага бормасимиздан олдин ишларимиз яхши кетарди. Фермага келганимиздан кейин қийинчиликлар бошланди. Қурилиш материаллари сотиб олишда ёрдам беришни сўраб қанча мурожаат қилмайлик, қанча ёзмайлик, ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади: бизда шундай бўляпти-ки, кооперативлар, ижара ҳеч кимга керак эмас, арзимаган ишлар билан шаҳар партия комитетининг секретарига мурожаат қилишга тўғри келса, шу ҳам иш бўлдими. Ундан бошқа ҳеч ким арз-додингизга қулоқ солмайди.

Яхши ферма қуриш учун таҳминан икки юз минг сўмлик қарз керак, ҳамма ишни қўлда бажармаслик, хотинимни кооперативга ишга таклиф қилиш, у тонналаб ем-хашакни ўзи ташимаслиги учун ана шундай яхши ферма қуриш керак.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Бизга 150 гектар ер ажратиб беришди. Улар 5 гектарлик бўлтак, энг ёмон ерлар. Ҳеч ким яхши ерни бермайди. Ҳозир биз ана шундай ишламоқдамиз, кунига 18 соатдан, дам олиш кунларисиз ишлаяпмиз, албатта. Аммо биз меҳнатимиз мамлакатимиз учун кераклигини тушунамиз. Лекин буни ҳар хил бошқарувчилар тушуниб етишмаяпти, улар ёрдам бериш ўрнига ишимизга тўғаноқ бўлишмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, кооператив иш бошлашга улгурмай туриб, бизни молия бўлимига, марказий статистика бошқармасига, агросаноат банкига чақириш бошланди. Ахир атиги беш киши ишлаймиз, раис ҳам ишдан бўшатиб қўйилмаган.

Яна бир нозик масала. Кооперативларнинг ҳеч қандай кафолати йўқ. Мана биз беш йилга шартнома туздик, қарз олдик, 3—4 йилдан кейин эса совхознинг хўжайини ўзгаради. У мен билан ишлагиси келмайди. Беш йилдан сўнг у шартномани бекор қилишга ҳақли, вассалом.

Рязань область Сасово районидаги «Прогресс» колхози ижарачи сут-товар фермаси коллективининг раҳбари **Н. И. Кучеренко** ўз иш тажрибасини ўртоқлашди. У янги ишлаб чиқариш муносабатларининг қийин, баъзан эса зўр чиқишлар билан қарор топаётгани ҳақида сўзлаб берди.

Ҳозир фермадаги коллектив икки баравар қисқарди, у 225 бош ўрнига 430 бош молни боқяпти. Қисқа қилиб айтганда, ҳамма дангасаларни ҳайдаб юбордик. Кейин улар ижарани қўй, фермани ташла, деб талаб қилишди, лекин мен ундай одам эмасман, деди ижарачи.

Ўтган йилни яхши якунладик. Ҳар бир сигирдан соғиб оладиган сут ўртача 1218 литр кўпайди. Йил давомида сигирлардан 3600 килограммдан сут соғиб олинди. Бундан ташқари 200 бузоқ олинди. Бу кўрсаткичлар умуман колхоз кўрсаткичларидан юқоридир.

1988 йилда ҳар бир сигир 1200 сўм соф фойда келтирди, деди нотиқ, ҳаммаси бўлиб 250 минг сўм соф фойда олдик. Ҳар бир ходимнинг ўртача ойлик маоши 700 сўмни ташкил этди, ҳар бир киши 23 минг сўмлик маҳсулот етиштирди.

Бутун колхоз чорвачилигида иш ана шундай ташкил этилганда эди, хўжалик миллион сўм фойда олган бўлур эди, деб ҳисоблаб берди Н. И. Кучеренко. Бироқ мутахассислар ижарага эътибор беришга шошилмаяптилар. Ижаранинг моҳиятини ҳали уларга тушунтиришга тўғри келади.

М. С. Горбачев. Николай Иванович, сизларда бутун колхоз ижара усулига ўтганми ёки йўқми?

Н. И. Кучеренко. Йўқ, фақат бизнинг фермамиз ўтган. Фақат ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ҳаммани, ҳатто энг дангасаларни ҳам ишлашга мажбур этади. Ҳозирча эса улар мени Рокфеллер деб аташяпти. Ҳолбуки, чўнтагимда ҳеч вако йўқ. Фойданинг ҳаммасини мен хўжаликка топширяпман.

М. С. Горбачев. Ижара хўжаликда орол каби ёлғиз бўлса, шундай бўлади. Бунда тўсқинлик ҳам қилишади, ҳасад ҳам қилишади, бошқа нарсалар ҳам бўлади.

Н. И. Кучеренко. Ижарачиларнинг колхоздан ажралиб чиқиши ҳақида гапиришди. Бу мутлақо мумкин эмас. Масалан, мен колхозсиз иш қилолмайман, фойдани колхозга топшираман. Зарур бўлса, колхоз менга беради. Бу фойдали иш.

М. С. Горбачев кенгашга якун ясаб, бундай деди:

Бизнинг ҳар бир учрашувимизда муаммони англаб олиш чуқурлашади. Бугун ҳам рўй-рост гаплашиб олинди. Баъзи нутқлар яхши, баъзилари унча яхши бўлмаса-да, бу нарса умумий манзарани ўзгартирмайди. Умуман фойдали учрашув бўлиб ўтди, бу учрашув фикр юритишга, биз Пленумга олиб чиқадиган барча масалаларни ўйлаб кўриш учун янги туртки, янги омил беради.

Ўртоқлар, биз мамлакатнинг ҳозирги эҳтиёжлари ва имкониятларига мос келадиган илғор аграр сиёсатни ишлаб чиқишда хато қилмаслигимиз керак. Биз хатоларга йўл қўймаслик учун ҳам шундай учрашувларни ўтказиб турибмиз.

Бу ерда ,ўртоқлар, гап фақат бошқарув схемалари ва структурасидагина эмаслиги ҳақида гапирдилар. Албатта, ундай эмас. Масалан, ўртоқ Лукинов комплекс ёндашув кераклигини, эгаллаб олиб ҳамма нарсани ҳал қилиш мумкин бўлган восита, омил йўқлигини айтиб ўтди. Шундайлиги шубҳасиз. Мен ҳам шуни таъкидламоқчиманки, партиямиз Марказий Комитетида, ҳукуматда ва бутун мамлакатда иқтисодий муносабатларни қайта қуриш юзасидан ҳам, социал сиёсат масалалари юзасидан ҳам, аграр-саноат комплексини илмий жиҳатдан таъминлаш, машиналар ва янги илғор технологиялар системаларини жорий этиш асосида ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам кенг кўламда фикрлашув бўлди. Биз қайта ишлаш, озиқ-овқат саноатига доир жуда катта программани бажаришга киришдик, бунга ҳозирдаёқ кўпгина тармоқларни, шу жумладан мудофаа тармоқларини жалб этдик. Орёлдаги учрашувда кўпгина конкрет масалалар кўриб чиқилди. Бу иш ҳам давом эттирилмоқда.

Ҳар қандай кенгашда биз у ёки бу тарзда агросаноат комплекси муаммоларига келиб тақаламиз. Бугуни учрашувда биз ташкилий формаларга, мана шу ғоят катта халқ хўжалик комплексининг фаолиятига, у яна ҳам самарали ишлаб, натижа беришига, озиқ-овқат муаммосини тезроқ ҳал эта бошлашимизга қандай таъсир ўтказиш кераклигига нисбатан ёндашувларга асосий эътиборни қаратяпмиз.

Биз колхознинг потенциалини иқтисодий муносабатларни қайта қуриш орқали, инсоннинг манфаатдорлиги орқали, унинг қишлоқда беками-кўст яшаши орқали ва ҳоказолар ёрдамида намоён этмоқчи эканлигимиз тўғрисида гапирган эдим. Лекин бу кўп жиҳатдан айни бутун комплекснинг — хўжаликлар даражасида, ҳам, район даражасида ҳам, область, республика ва марказ даражасида ҳам иш усуллари билан боғланган. Шу боисдан мен илгари муҳокама этилган масалаларга қайтмасдан, диққат-эътиборни бошқариш билан боғлиқ муаммоларга қаратмоқчиман.

Колхозлар, совхозларнинг ҳар бирига ўз потенциалини ижара, пудрат, хўжалик мустақиллиги орқали намоён этиш имкониятини бериш учун ҳозир биз бу масалага тўғри ёндашяпмиз, деб ўйлайман. Менимча, бу тўғри. Биз айни шу позицияларда туриб мулоҳаза юритганимизда, хўжалик бошқарувининг барча масалалари конкрет хўжаликларда жамланиши лозим, деган асосий хулосага келамиз. Биз бош йўналишни кўриб турибмиз. Хўжаликларимизнинг асосий қисми колхоз ва совхозлар бўлганлиги учун уларнинг потенциалини намоён этишнинг бош йўли — тўла ижара асосида ишлайдиган, мустақил бўлган, аммо шартномалар ва муайян иқтисодий муносабатлар билан боғланган турли кооперативлар системасидир.

Колхоз ва совхозларнинг ишини танқид қилаётганларнинг кўпчилиги бунда яхши ниятдан келиб чиқишаётган бўлса керак, деб ўйлайман. Аммо шуни қайд этиб ўтишим керакки, колхоз ва совхозлар тўғрисида биз қабул қила олмайдиган кўп гаплар ҳам айтилди. Булар илмий асосланмаган, кейинги вақтларда турмуш, практика тасдиқламаган гаплардир.

Агар биз колхозлар, совхозлар ичида иқтисодий муносабатларни қайта қуриш орқали, инсоннинг манфаатдорлиги орқали борганимиз тақдирда (жумладан, ҳатто совхозни колхозга, кооперативга айлантирганда, кооперациялаш йўлидан борилганида совхозда ҳам кўп нарсани ўзгартириш мумкинлигига эса ишончим комил), бунда ҳар қандай вариантлар бўлиши мумкин. Муайян шартномалар асосида ва иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ ҳолда ишловчи бошланғич кооперативлар масалан, кимдир уларга ёқилғи қандай келиб тургани, улар эҳтиёт қисмлар билан қандай таъминланаётгани тўғрисида ғамхўрлик қилишига, кимдир уларнинг маҳсулоти сотилиши ҳақида ўйлашига ва ҳоказоларга муҳтождирлар. Ана шу барча кооперативлар ўз куч-ғайратларини бирлаштириб, муайян социал инфраструктурани ҳам вужудга келтирадилар.

Мана энди бизнинг йирик колхоз ва совхозларимиз чинакамига ва қишлоқ меҳнатчиларининг манфаатларини, бинобарин эса мамлакат манфаатларини ҳам кўзлаб ишлай оладилар, чунки биз маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда уларнинг имкониятларини намоён этяпмиз.

Колхоз ва совхозларга ишонмаётган кишилар ҳамма ишни охиригача ўйлаб кўришмаган, англаб етишмаган, деб ҳисоблайман. Буни тўғридан-тўғри айтиш керак. Бу нарса колхоз ва совхозлар билан ёнма-ён бошқа ҳар хил формалар вужудга келиши мумкинлигини инкор этмайди. Бугун ўртоқ Калниньш уларнинг чамаларига кўра, республикада қанча бақувват хўжалик борлиги, улар ҳозирдаёқ мавжуд тажрибани орттира бориб, ишлайверишлари тўғрисида гапирди. Ишлайверишсин! Ишончим комилки, пировард натижада бу хўжаликлар ҳам ўз структурасига ижара муносабатларини киритишга ҳаракат қилиб қолишади. Бу улар учун ҳаёт янгидан бошлангандек бўлишига ишончим комил. Уларнинг ўзи шунга бораверишсин.

Йўли бошқача, ёндашуви ўзгача бўлган янги муносабатларни қуриш, ҳам жамоат секторини, ҳам хусусий секторни чинакамига қўшиш мумкинлигини англаётган хўжаликлар группаси бор.

Бунда хусусий секторни колхоз, совхоз билан қўшиб, қимматга тушадиган янги катта бинолар, комплексларни барпо этмасдан маҳсулотни тезда ошириш мумкин, чунки ҳар бир хонадон ишга кириша олади, иккита ёки тўртта чўчқа боласини боқишнинг хонадон эгасига фарқи йўқ. Шартнома тузилса, бутун оила — болалар ҳам, қариялар ҳам меҳнат қилишади. Бунинг ҳаммаси бир бутун механизмдир. Шундай қўшилиш учун ҳозир ғоят катта имкониятлар очилмо

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Одилов Владимир Тўйчиевич— 1948 йилда туғилган, СССР Авиация саноати министрлиги В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси токарлар бригадасининг бошлиғи, Тошкент шаҳри.

Айтматов Чингиз — 1928 йилда туғилган, ёзувчи, Қирғизистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси, «Иностранная литература» журналининг бош редактори, Фрунзе шаҳри.

Алексеева Лидия Михайловна — 1951 йилда туғилган, Курск область Дмитриевка районидаги «Серп и молот» колхози партия комитетининг секретари.

Афанасьев Виктор Григорьевич — 1922 йилда туғилган, «Правда» газетасининг бош редактори, Москва шаҳри.

Бакланов Олег Дмитриевич — 1932 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Москва шаҳри.

Баришников Иван Антонович — 1939 йилда туғилган, СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги СССР 50 йиллиги номли Волжский автомобиль заводининг разметкачиси, Куйбишев области.

Бейшекеева Зайна — 1955 йилда туғилган, Қирғизистон ССР Иссиққўл область Жетиўғиз давлат махсус хўжалигининг катта чўпони.

Белов Василий Иванович — 1932 йилда туғилган, ёзувчи, РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Вологда шаҳри.

Биккенин Наиль Бариевич — 1931 йилда туғилган, «Коммунист» журналининг бош редактори, Москва шаҳри.

Бородин Николай Васильевич — 1944 йилда туғилган, Чита область Шилка районидаги «Первое мая» колхози правлениесининг раиси.

Ваҷин Михаил Григорьевич — 1923 йилда туғилган, Горький область Ковернино районидаги В. И. Ленин номли колхоз правлениесининг раиси.

Валеева Зуҳра Сибгатовна — 1947 йилда туғилган, Уфа йирик панелли уйсозлик лойиҳа-қурилиш бирлашмаси 3-қурилиш бошқармаси бўёқчилар бригадасининг бошлиғи, Уфа шаҳри.

Васильев Иван Афанасьевич — 1924 йилда туғилган, ёзувчи, Псковь область Великие Луки райони.

Велихов Евгений Павлович — 1935 йилда туғилган, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Москва шаҳри.

Воробьев Николай Николаевич — 1952 йилда туғилган, КПСС Псков область Питалово район комитетининг биринчи секретари.

Гвоздев Владимир Матвеевич — 1947 йилда туғилган, СССР Кўмир саноати министрлиги «Южкузбассуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Распадская» шахтаси комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Кемерово области.

Герман (Гранин) Даниил Александрович — 1919 йилда туғилган, ёзувчи, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Ленинград шаҳри.

Голубева Валентина Николаевна — 1949 йилда туғилган, РСФСР Тўқимачилик саноати министрлиги Иваново ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Иваново шаҳри.

Гончар Александр Николаевич — 1958 йилда туғилган, мото-ўқчилар полки партия комитетининг секретари, Ленинград ҳарбий округи.

Горбачев Михаил Сергеевич — 1931 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Москва шаҳри.

Громов Виктор Иванович — 1944 йилда туғилган, В. И. Ленин номли Верхнесалдинск металлургия ишлаб чиқариш бирлашмасининг токарь-каруселчиси, Свердловск области.

Гулова Зулайҳо Соҳибназаровна — 1949 йилда туғилган, Тожикистон ССР Оржоникидзеобод районидаги «Партия XXII съезди» колхози далачилик бригадасининг бошлиғи.

Ероховец Ирина Яковлевна — 1944 йилда туғилган, СССР Радио саноати министрлиги Минск ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқариш бирлашмаси Г. К. Оржоникидзе номли электрон ҳисоблаш машиналари заводининг монтажчиси, Минск шаҳри.

Зайков Лев Николаевич— 1923 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари, Москва шаҳри.

Зиатдинов Назип Зиатдинович — 1925 йилда туғилган, Татаристон АССР Тўқай районидаги «Гигант» совхозининг директори.

Ибрагимов Гусейн Рустам ўғли — 1951 йилда туғилган, «Каспморнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси КПСС XXII съезди номли нефть-газ қазиб чиқариш бошқармаси «Нефтяние камни» бурғилаш ишлари денгиз бошқармасининг бурғиловчиси, Боку шаҳри.

Ивашко Владимир Антонович — 1932 йилда туғилган, Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Киев шаҳри.

Илизаров Гавриил Абрамович — 1921 йилда туғилган, РСФСР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Курган «Травматология ва ортопедия даволаш — қайта тиклаш» Бутуниттифоқ илмий марказининг бош директори, Курган шаҳри.

Иовлев Дмитрий Михайлович — 1946 йилда туғилган, СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги «Москвич» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ленин комсомоли номли автомобиль заводининг слесари, Москва шаҳри.

Ишин Александр Яковлевич — 1933 йилда туғилган, КПСС Ростов область Шахти шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Кабанов Евгений Николаевич — 1952 йилда туғилган, «Камчатрибпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Соколово» музхонали траулер капитан директори, Камчатка области.

Калинин Николай Васильевич — 1937 йилда туғилган, ҳарбий-десант қўшинлари қўмондони, Москва шаҳри.

Калиш Виталий Николаевич — 1941 йилда туғилган, СССР Қора металлургия министрлиги А. Н. Кузьмин номли «Днепроспецсталь» электрометаллургия заводининг пўлат қуювчиси, Украина ССР Запорожье шаҳри.

Карпов Владимир Васильевич -- 1922 йилда туғилган, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Москва шаҳри.

Қирғизбоева Тўхтахон Назаровна — 1942 йилда туғилган, Ўзбекистон ССР Сирдарё область Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг бригада бошлиғи.

Клепиков Михаил Иванович — 1927 йилда туғилган, Краснодар ўлкаси Уст-Лабинск районидаги «Кубан» колхози комплекс бригадасининг бошлиғи.

Колбешкин Алексей Ефимович — 1945 йилда туғилган, Воронеж «Электроника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, слесарь-асбобсозлар бригадасининг бошлиғи, Воронеж шаҳри.

Кравченко Налина Васильевна — 1945 йилда туғилган, Липецк область Грязи районидаги «Грязи» совхози партия комитетининг секретари.

Кудрявцев Владимир Николаевич — 1923 йилда туғилган, СССР Фанлар академиясининг вице президенти, СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг директори, Москва шаҳри.

Лаптев Иван Дмитриевич — 1934 йилда туғилган, «Известия» газетасининг бош редактори, Москва шаҳри.

Ларионов Владимир Петрович — 1938 йилда туғилган, СССР Фанлар академиясининг Сибирь бўлими Якутск илмий маркази президиуми раисининг ўринбосари, Шимол физика-техникавий проблемалари институтининг директори, Якутск шаҳри.

Левицкас Витаутас Юозович — 1933 йилда туғилган, К. Гедрис номли Каунас мўйна ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Литва ССР Каунас шаҳри.

Лигачев Егор Кузьмич — 1920 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Москва шаҳри.

Лизичев Алексей Дмитревич — 1928 йилда туғилган, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, Москва шаҳри.

Лукковев Юрий Прохорович — 1946 йилда туғилган, СССР Ўрмон саноати министрлиги «Кареллеспром» территориал-ишлаб чиқариш бирлашмаси Паданск комплекс ўрмон саноат хўжалиги Воломск ёғоч пунктининг машинисти, Карелия АССР Медвежьегорск райони.

Лукьянов Анатолий Иванович — 1930 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари, Москва шаҳри.

Лунев Виктор Андреевич — 1949 йилда туғилган, СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги «Компрессор» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Компрессор» Москва холодильник машинасозлиги заводининг токари, Москва шаҳри.

Манякин Сергей Иосифович — 1923 йилда туғилган, СССР Халқ контроли комитетининг раиси, Москва шаҳри.

Марчук Гурий Иванович — 1925 йилда туғилган, СССР Фанлар академиясининг президенти, Москва шаҳри.

Масько Галина Игнатьевна — 1947 йилда туғилган, Слоним шаҳри 3-ўрта мактаб директорининг ўринбосари, Белоруссия ССР Гродно области.

Медведев Вадим Андреевич — 1929 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Москва шаҳри.

Мендибоев Марат Самиевич — 1936 йилда туғилган, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Олмаота шаҳри.

Мкртчян Мисак Левонович — 1938 йилда туғилган, Арманистон Компартияси Ленинакан шаҳар комитетининг биринчи секретари, Ленинакан шаҳри.

Моисеев Михаил Алексеевич — 1939 йилда туғилган, СССР Қуролли Кучлари бош штабининг бошлиғи — СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Москва шаҳри.

Мунтян Михаил Иванович — 1943 йилда туғилган, А. С. Пушкин номли Молдавия давлат академик опера ва балет театрининг солисти, Кишинев шаҳри.

Назаров Иван Александрович — 1949 йилда туғилган, КПСС Омск область Русская поляна район комитетининг биринчи секретари.

Найденов Николай Андреевич — 1936 йилда туғилган, СССР Кўмир саноати министрлиги «Воркутауголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Центральная» шахтаси проходкачилар бригадасининг бошлиғи, Коми АССР Воркута шаҳри.

Нестеренко Евгений Евгеньевич — 1938 йилда туғилган, СССР Иттифоқи Давлат академик катта театрининг солисти, П. И. Чайковский номли Москва давлат консерваториясининг профессори, Москва шаҳри.

Никонов Виктор Петрович — 1929 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Авиация саноати министрлиги С. В. Ильюшин номли Москва машинасозлик заводининг бош конструктори, Москва шаҳри.

Нюкша Константин Иванович — 1938 йилда туғилган, СССР Электротехника саноати министрлиги «Рижский электромашиностроительный завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-асбобсози, Рига шаҳри.

Олейник Борис Ильич — 1935 йилда туғилган, шоир, Украина ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Киев шаҳри.

Остроухов Виктор Алексеевич — 1939 йилда туғилган, СССР Электротехника саноати министрлиги «Сибкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари, Томск шаҳри.

Парубок Емельян Никонович — 1940 йилда туғилган, Украина ССР Черкасси область Жашков районидаги Суворов номли колхознинг звено бошлиғи.

Патон Борис Евгеньевич — 1918 йилда туғилган, Украина ССР Фанлар академиясининг президенти, Е. О. Патон номли электр пайвандлаш институтининг директори, Украина ССР Фанлар академияси «Е. О. Патон номли электр пайвандлаш институти» тармоқлараро илмий-техника комплексининг бош директори, Киев шаҳри.

Постников Виктор Иванович — 1924 йилда туғилган, РСФСР Давлат агросаноат комитети «Ставрополь» бройлер ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Ставрополь шаҳри.

Походня Григорий Семёнович — 1949 йилда туғилган, Белгород область Белгород районидаги Фрунзе номли колхознинг цех бошлиғи.

Примаков Евгений Максимович — 1929 йилда туғилган, СССР Фанлар академияси жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори, Москва шаҳри.

Пуго Борис Карлович — 1937 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси, Москва шаҳри.

Разумовский Георгий Петрович — 1936 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари, ҚПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар иши бўлимининг мудири, Москва шаҳри.

Ромазан Иван Харитонович — 1934 йилда туғилган, СССР Қора металлургия министрлиги В. И. Ленин номли Магнитогорск металлургия комбинатининг директори, Магнитогорск шаҳри.

Ромазанов Қабдулла Закирьянович — 1947 йилда туғилган, СССР Қора металлургия министрлиги Қарағанда металлургия комбинатининг пўлат қуювчиси, Қозоғистон ССР, Темиртов шаҳри.

Рижков Николай Иванович — 1929 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси, Москва шаҳри.

Ричин Евгений Сергеевич — 1928 йилда туғилган, Москва область Люберци районидаги «Москва» агросаноат комбинатининг бош директори, Москва шаҳрида яшайди.

Рюмин Валерий Викторович — 1939 йилда туғилган, Москва область «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош конструкторининг ўринбосари, Москва шаҳрида яшайди.

Саар Вяйно Александрович — 1942 йилда туғилган, «Таллинстрой» трести 4-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи, Таллин шаҳри.

Самоличенко Иван Иванович — 1936 йилда туғилган, механизатор, Новосибирск область Татарск районидаги «Орловск» совхози ижара коллективининг раҳбари.

Селезнев Игорь Сергеевич — 1931 йилда туғилган, «Радуга» машинасозлик-конструкторлик бюросининг бош конструктори, Москва области.

Сидорейко Василий Ларионович — 1950 йилда туғилган, СССР Нефть саноати министрлиги «Сургутнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Сургутдаги бурғилаш ишлари иккинчи бошқармасининг бурғиловчи мастери, Тюмень области.

Слюньков Николай Никитович — 1929 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Москва шаҳри.

Смик Николай Михайлович — 1953 йилда туғилган, прессловчи, В. И. Ленин номли Красноярск металлургия заводи комплекс бригадасининг бошлиғи, Красноярск шаҳри.

Спасский Игорь Дмитриевич — 1926 йилда туғилган, Ленинграддаги «Рубин» лойиҳа-монтаж бюросининг бош конструктори ва бошлиғи, Ленинград шаҳри.

Татарчук Валентин Иванович — 1937 йилда туғилган, СССР Ўрмон саноати министрлиги СССР Иттифоқи 60 йиллиги номли Соликамск целлюлоза-қоғоз комбинатининг директори, Пермь области.

Ульянов Михаил Александрович — 1927 йилда туғилган, Евгений Вахтангов номли давлат академик театрининг бадиий раҳбари, РСФСР Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси, Москва шаҳри.

Умалатова Сажи Зайнидиновна — 1953 йилда туғилган, СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлигининг Грознийдаги «Красний молот» машинасозлик заводи комплекс бригадасининг бошлиғи, Чечен-Ингушия АССР.

Уткин Владимир Федорович — 1923 йилда туғилган, Украина ССР «Южное» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конструктори ва бош директори, Украина ССР Днепропетровск шаҳри.

Федоров Святослав Николаевич — 1927 йилда туғилган, РСФСР Соғлиқни сақлаш министрлиги «Кўз микрохирургияси» тармоқлараро илмий-техника комплексининг бош директори, Москва шаҳри.

Филиппова Валентина Гавриловна — 1947 йилда туғилган, Олтой ўлкаси Третьяковск районидаги «Алей» колхози правлениеси раисининг ўринбосари.

Хмель Валентина Петровна — 1939 йилда туғилган, Ангарск қурилиш бошқармаси 5-қурилиш монтаж бошқармаси пардозловчилар комплекс бригадасининг бошлиғи, Иркутск области.

Чебриков Виктор Михайлович — 1923 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Москва шаҳри.

Черняев Анатолий Сергеевич — 1921 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси, Москва шаҳри.

Шалиев Атабалли Ваппаевич — 1945 йилда туғилган, СССР Газ саноати министрлиги «Туркменгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Туркменбургаз» трести жанубий Туркманистон разведка-бурғилаш бошқармасининг бурғиловчи мастери, Туркманистон ССР Мурғоб райони.

Шорохов Виктор Николаевич — 1949 йилда туғилган, В. М. Рябиков номли Тула машинасозлик заводининг созловчиси, Тула шаҳри.

Штепо Виктор Иванович — 1928 йилда туғилган, Волгоград область Калач районидаги «Волго-Дон» Волгоград ихтисослашган ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

Штойк Гарри Гвидович — 1939 йилда туғилган, СССР Рангли металлургия министрлиги «Казполиметалл» ишлаб чиқариш бирлашмаси шарқий Қозоғистон мис-химия комбинатининг директори, Қозоғистон ССР Шемонаиха райони.

Шукшин Анатолий Степанович — 1947 йилда туғилган, СССР Оғир, энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлигининг Узоқ Шарқ энергетика машинасозлиги заводи шлифовкачиси, Хабаровск шаҳри.

Яковлев Александр Николаевич — 1923 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Москва шаҳри.

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети 14 январдаги мажлисида:

1988 йилда ва ўн иккинчи беш йилликнинг уч йилида мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги;

аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари ҳақидаги масалаларни кўриб чиқди.

Биринчи масаланинг муҳокамаси 1988 йилда ва беш йилликнинг уч йили давомида экономикада реал кечган жараёнларни чуқур, холисона таҳлил қилишга айланди. Асосан бошқарувнинг иқтисодий методларига ўтила бошлаганлиги, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказилиши мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга ижобий таъсир қилганлиги таъкидлаб ўтилди. 1988 йилда ҳосил қилинган миллий даромад 4,4 процент, 1986—1988 йилларда эса йилига ўртача 3,6 процент кўпайди. Миллий даромаднинг бутун ўсиши 1987—1988 йилларда моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган одамлар сони мутлақ камайтирилган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди.

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш совет кишиларининг тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини қондиришдек энг муҳим вазифани ҳал этишга мумкин қадар тўла даражада қаратилиши лозимлиги ана шу хусусда батафсил гаплашиб олишнинг принципиал негизи бўлди. Шу муносабат билан истеъмолчининг бевосита манфаатлари, инсон манфаатлари халқ хўжалиги кўпгина бўғинлари ишининг амалий йўналиши бўлиб қолаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Экономикани ривожлантиришнинг социал йўналиши кучайишидан иборат барқарор тенденция тобора яққол намоён бўлаётганлиги таъкидланди. Миллий даромаднинг истеъмолга ва ноишлаб чиқариш қурилишига сарфланаётган улуши 1988 йилда беш йиллик планда кўзда тутилган ҳисоб-китоблардаги 79 процент ўрнига 83 процентни ташкил этганлиги ҳам ана шундан далолат бермоқда. Капитал маблағ сарфининг умумий ҳажмида ноишлаб чиқариш соҳасига капитал маблағ сарфлаш салмоғи 1985 йилдаги 21,8 процентдан 1988 йилда 24,4 процентга етди. Аҳоли жон бошига реал даромадлар ҳозирги беш йилликнинг уч йили ичида ўртача 2,7 процент, 1988 йилда эса ўн биринчи беш йилликдаги 2,1 процент ўрнига 3,5 процент кўпайди. Уй-жойларни йиллик ўртача фойдаланишга топшириш 127 миллион квадрат метр саҳнга етди, бу эса ўтган беш йилликнинг шу даврига нисбатан 16,5 процент кўпдир. 1988 йилда халқ истеъмоли моллари сотиш ҳажми 1987 йилга нисбатан 25 миллиард сўм кўпайди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳар йили ўртача 11 процент кўпайди.

Шу билан бирга СССР ҳукуматининг мажлисда сўзга чиққан аъзолари экономикани социал соҳага қаратиш билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар, зиддиятлар ва ана шу жараёндаги кескин қарама-қаршиликлар кўринишларини уқтириб ўтдилар. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш анча кўпайтирилганига қарамай, уй-жой муаммоси ҳамон ўткирлигича қолмоқда. Уй-жойлар сифати кўп ҳолларда қониқарли эмас. Товар оборoти ўсганлигига қарамай, тўлов қобилиятига эга бўлган талабни қондириш муаммоси ҳал қилинмаган, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми мутлақо қониқарли эмас.

Социал соҳадаги ишларнинг аҳволини тубдан яхшилаш учун экономикани ривожлантириш самарадорлиги жиҳатидан беш йиллик топшириқларида белгиланган марраларга чиқиб олиш зарур эди. Бироқ бунга муваффақ бўлинмади. Фан-техника тараққиёти суръатлари жуда суст. Илғор база технологияларини жорий этиш, тармоқларни техника билан қайта жиҳозлаш топшириқлари бажарилмаяпти. Ресурсларни тежаш ҳали ҳам халқ хўжалигининг моддий ресурсларга қўшимча эҳтиёжларини қондиришнинг ҳал қилувчи омилига айланмади. Ишлаб чиқаришни интенсивлашга туб хўжалик ислоҳоти ҳозирча тегишли таъсир қилмаяпти. Бунинг натижасида уч йил ичида беш йиллик планга нисбатан миллий даромад 25,4 миллиард сўм, шу жумладан 1988 йилда 13,3 миллиард сўм кам олинди.

Мамлакатнинг деярли барча регионларида аҳолининг даромадлари ва харажатлари мувозанатли эмас. Муомаладаги пул товарлар ва пуллик хизмат билан таъминланмаган. Бу эса аҳволни чигаллаштирди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, пул муомаласидаги нуқсонлар энг аввало, туб иқтисодий ислоҳотнинг асосий принципларидан бири — ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда меҳнаткашлар пул даромадларининг рағбатлантириш ролини, уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан ўзаро мустаҳкам боғлиқлигини кучайтириш принципи амалда бузилганлигининг оқибатидир.

Бундай шароитда иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларининг, министрликлар ва идораларнинг, совет ва хўжалик органларининг истеъмол бозорини моллар ва хизматлар билан тўлдиришга қаратилган куч-ғайратлари мутлақо етарли бўлмади.

Шу муносабат билан СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг раҳбари Н. А. Пугин, СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги раҳбари Н. А. Паничев, СССР Химия машинасозлиги министрлиги раҳбари В. М. Лукьяненко, СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигининг раҳбари Е. А. Варначев, шунингдек РСФСР, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Грузия ССР, Латвия ССР, Тожикистон ССР, Молдавия ССР Министрлар Советларининг Раислари қаттиқ танқид қилиндилар, бу республикаларда 1988 йилда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва савдога етказиб бериш юзасидан белгиланган топшириқлар барбод этилди. Халқ учун сифати яхшиланган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга муносабатни энг муҳим умумдавлат вазифасига муносабат деб билиб, уни тубдан ўзгартириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда мамлакат агросаноат комплексидаги ишларнинг аҳволи батафсил таҳлил қилинди. Бу таҳлил қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ҳамда қайта ишловчи тармоқ ишида ҳали барқарорликка эришилмаганлигини кўрсатди. Аҳолининг кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжи қондирилмаяпти, бундай маҳсулотларни чет эллардан кўплаб харид қилишга тўғри келмоқда. Уч йил ичида харид қилинган бундай маҳсулотлар ҳажми 30 миллиард сўмликдан ошиб кетди.

Давлат харажатларини пул билан таъминлашдаги катта қийинчиликларни, мамлакат экономикаси мувозанатининг бузилишига олиб борадиган бюджет камомадининг ўсишини ҳисобга олиб СССР ҳукумати халқ хўжалик комплекслари ва тармоқлари раҳбарларидан, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларидан давлат маблағларини тежашга, марказлаштирилган капитал маблағ сарфини қисқартиришга, товар-материал бойликларининг нормативдан ташқари ва ортиқча запасларини оборотга жалб этишга қаратилган фавқулодда чораларни кўришни, шунингдек ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш негизида даромадларнинг муқим ўсишини таъминлайдиган тадбирлар комплексини амалга оширишни талаб қилди.

СССР Министрлар Совети мажлисида сўзга чиққан кишилар беш йилликнинг уч йили ичида капитал қурилишда жиддий ўзгариш бўлмаганлигини, бир вақтнинг ўзида қурилаётган объектлар сони ҳаддан ташқари кўплигини, уларни қуриш муддатлари норматив муддатлардан деярли икки баравар ортиқлигини айтиб ўтдилар. Ўтган йили кўпгина социал-маданий соҳа объектларини ишга тушириш барбод этилди. Масалан, белгиланган топшириққа нисбатан болалар боғчалари ва яслилари қуриш 64 процент, клублар ва маданият уйлари қуриш 59 процент бажарилди.

Мажлисда СССР Госстройи, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, қурилиш министрликлари капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини танқидий таҳлил этишдан жиддий хулоса чиқариб олишлари, 1989 йил плани ҳамда тугалланмаган қурилишларнинг нормадан ортиқча ҳажмини қисқартириш юзасидан белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари лозимлиги уқтириб ўтилди.

Кун тартибидаги **иккинчи масалани муҳокама қилиш учун** агросаноат комбинатлари, бирлашмалар ва хўжаликлар, илмий муассасалар, тайёрлаш, транспорт, қайта ишлаш, машинасозлик ва савдо корхоналари ҳамда ташкилотларининг раҳбарлари таклиф қилинган эди.

Аҳолининг картошка ва сабзавотга эҳтиёжини яқин йилларда тўла қондириш, мева ва резавор мева билан таъминлашни анча яхшилаш, ҳамма жойда ана шундай хилма-хил маҳсулотлар билан узлуксиз савдо қилишни ташкил этиш учун мамлакатда реал имкониятлар бор, деган яқдил фикр билдирилди.

Бироқ бундай вазифани ҳал этиш учун иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Савдо министрлиги ва Центросоюзнинг бу муҳим ишга муносабатини тубдан ўзгартириш керак.

Масалан, сўнгги йилларда сабзавот ва полиз маҳсулотларини истеъмол қилиш Ўзбекистон ССРда 107 килограммдан 93 килограммга, Владимир областида 98 килограммдан 80 килограммга, Тула областида 92 килограммдан 81 килограммга, Мари АССРда 89 килограммдан 67 килограммга тушиб қолди.

Иқтисодий ва ташкилий алоқаларнинг ўнлаб йиллар муқаддам қарор топган эски системаси ҳамон амал қилмоқда. Натижада ҳатто мавжуд потенциал имкониятлардан ҳам тегишлича фойдаланилмаяпти ва колхозлар ҳамда совхозларда етиштирилаётган маҳсулот одамларга етиб келмаяпти.

СССР Министрлар Совети мамлакат мева-сабзавот хўжалигини илмий жиҳатдан таъминлашда кўп йиллардан буён зарур ўзгаришлар бўлмаётганлигини алоҳида ташвиш билан таъкидлаб ўтди. ВАСХНИЛ, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Москва шаҳри.

Новожилов Генрих Васильевич — 1925 йилда туғилган, СССР Авиация саноати министрлиги С. В. Ильюшин номли Москва машинасозлик заводининг бош конструктори, Москва шаҳри.

Нюкша Константин Иванович — 1938 йилда туғилган, СССР Электротехника саноати министрлиги «Рижский электромашиностроительный завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-асбобсози, Рига шаҳри.

Олейник Борис Ильич — 1935 йилда туғилган, шоир, Украина ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Киев шаҳри.

Остроухов Виктор Алексеевич — 1939 йилда туғилган, СССР Электротехника саноати министрлиги «Сибкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари, Томск шаҳри.

Парубок Емельян Никонович — 1940 йилда туғилган, Украина ССР Черкасси область Жашков районидаги Суворов номли колхознинг звено бошлиғи.

Патон Борис Евгеньевич — 1918 йилда туғилган, Украина ССР Фанлар академиясининг президенти, Е. О. Патон номли электр пайвандлаш институтининг директори, Украина ССР Фанлар академияси «Е. О. Патон номли электр пайвандлаш институти» тармоқлараро илмий-техника комплексининг бош директори, Киев шаҳри.

Постников Виктор Иванович — 1924 йилда туғилган, РСФСР Давлат агросаноат комитети «Ставрополь» бройлер ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Ставрополь шаҳри.

Походня Григорий Семёнович — 1949 йилда туғилган, Белгород область Белгород районидаги Фрунзе номли колхознинг цех бошлиғи.

Примаков Евгений Максимович — 1929 йилда туғилган, СССР Фанлар академияси жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори, Москва шаҳри.

Пуго Борис Карлович — 1937 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси, Москва шаҳри.

Разумовский Георгий Петрович — 1936 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари, ҚПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар иши бўлимининг мудири, Москва шаҳри.

Ромазан Иван Харитонович — 1934 йилда туғилган, СССР Қора металлургия министрлиги В. И. Ленин номли Магнитогорск металлургия комбинатининг директори, Магнитогорск шаҳри.

Ромазанов Қабдулла Закирьянович — 1947 йилда туғилган, СССР Қора металлургия министрлиги Қарағанда металлургия комбинатининг пўлат қуювчиси, Қозоғистон ССР, Темиртов шаҳри.

Рижков Николай Иванович — 1929 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси, Москва шаҳри.

Ричин Евгений Сергеевич — 1928 йилда туғилган, Москва область Люберци районидаги «Москва» агросаноат комбинатининг бош директори, Москва шаҳрида яшайди.

Рюмин Валерий Викторович — 1939 йилда туғилган, Москва область «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош конструкторининг ўринбосари, Москва шаҳрида яшайди.

Саар Вяйно Александрович — 1942 йилда туғилган, «Таллинстрой» трести 4-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи, Таллин шаҳри.

Самоличенко Иван Иванович — 1936 йилда туғилган, механизатор, Новосибирск область Татарск районидаги «Орловск» совхози ижара коллективининг раҳбари.

Селезнев Игорь Сергеевич — 1931 йилда туғилган, «Радуга» машинасозлик-конструкторлик бюросининг бош конструктори, Москва области.

Сидорейко Василий Ларионович — 1950 йилда туғилган, СССР Нефть саноати министрлиги «Сургутнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Сургутдаги бурғилаш ишлари иккинчи бошқармасининг бурғиловчи мастери, Тюмень области.

Слюньков Николай Никитович — 1929 йилда туғилган, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Москва шаҳри.

Смик Николай Михайлович — 1953 йилда туғилган, прессловчи, В. И. Ленин номли Красноярск металлургия заводи комплекс бригадасининг бошлиғи, Красноярск шаҳри.

Спасский Игорь Дмитриевич — 1926 йилда туғилган, Ленинграддаги «Рубин» лойиҳа-монтаж бюросининг бош конструктори ва бошлиғи, Ленинград шаҳри.

Татарчук Валентин Иванович — 1937 йилда туғилган, СССР Ўрмон саноати министрлиги СССР Иттифоқи 60 йиллиги номли Соликамск целлюлоза-қоғоз комбинатининг директори, Пермь области.

Ульянов Михаил Александрович — 1927 йилда туғилган, Евгений Вахтангов номли давлат академик театрининг бадиий раҳбари, РСФСР Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси, Москва шаҳри.

Умалатова Сажи Зайнидиновна — 1953 йилда туғилган, СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлигининг Грознийдаги «Красний молот» машинасозлик заводи комплекс бригадасининг бошлиғи, Чечен-Ингушия АССР.

Уткин Владимир Федорович — 1923 йилда туғилган, Украина ССР «Южное» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конструктори ва бош директори, Украина ССР Днепропетровск шаҳри.

Федоров Святослав Николаевич — 1927 йилда туғилган, РСФСР Соғлиқни сақлаш министрлиги «Кўз микрохирургияси» тармоқлараро илмий-техника комплексининг бош директори, Москва шаҳри.

Филиппова Валентина Гавриловна — 1947 йилда туғилган, Олтой ўлкаси Третьяковск районидаги «Алей» колхози правлениеси раисининг ўринбосари.

Хмель Валентина Петровна — 1939 йилда туғилган, Ангарск қурил

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши 1- ва 2-бетларда).

оёққа турғазиш учун маблағларни ким билан баҳам кўриш кераклиги муаммоларини демократик асосда муҳокама қилиб, ҳал этиш имконини беради. Кенгаш ҳузурида унга хизмат қилувчи зарур аппарат бўлиши керак, албатта. Уни хўжаликларнинг ўзи маблағ билан таъминлайдиган бўлганликлари сабабли шу хўжаликлар ўзларига нима кераклигини, бу аппарат сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам қандай бўлиши лозимлигини ўйлаб кўрадилар.

Шу боисдан район бўғинида ҳам ҳамма нарса равшан деб ўйлайман. Район даражасидаги бу комплексга фақат колхоз ва совхозларгина эмас, шу билан бирга область, республика аҳамиятига эга бўлганларидан бошқа барча қайта ишлаш корхоналари ҳам кириши керак, деган фикрни қўллаб-қувватлайман. Район кенгаши хўжаликларнинг ишини енгиллаштириши, ҳар томонлама хизмат кўрсатиш масалаларини ҳал этиши мумкин бўлган ҳамма нарсада хўжаликларга кўмаклашиш учун тузилади.

Хўжаликлар, район даражасидаги бошқарув қайта қурилишини эътиборга олиб, область ва республика аппаратлари ерда ва фермада қандай ишлаш кераклиги тўғрисида буйруқ беришга ўринадиган барча структуравий бўлинмалардан халос бўлишлари керак. Аппаратда область, ўлка, республикадаги хўжаликлар, халқ хўжалиги комплексининг бошқа қисмлари ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириб, мувофиқлаштириши, социал-иқтисодий ривожланиш, агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш истиқболларини ишлаб чиқиши лозим бўлган бўғинларнигина қолдириш керак.

Мана шуларнинг ҳаммасини пухта ўйлаб, тўғри хулосага келиш лозим. Гап номда эмас, балки бажариладиган ишдадир. Аппарат ишини бош бўғин — колхоз ва совхоз қандай бўлиши кераклиги, қандай принциплар асосида ишлаши лозимлиги тўғрисида чиқарган хулосамизга татбиқан ўзгартириш керак. Аппаратнинг вазифаларини, структураси ва иш усулларини ўзгартириш турмушнинг янги тақозоси шароитида ишлай оладиган тегишли мутахассислар, олимларни талаб этади.

Ҳозирги кунда бундан бўён ҳам ўрганилиши талаб этилаётган бир қанча муҳим, принципиал масалалар қолмоқда. Бу гап планлаштиришга, материал-техника таъминотини, агросаноатнинг марказий ва маҳаллий органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга қўйишга тааллуқлидир.

Аммо принцип бизга равшан: бошқарув соҳасига келганда, райондан бошлаб то марказгача вазифаларни ўзгартириш керак. Биз ҳозирдаёқ кўпгина ғояларга эгамиз. Лекин шундай бўлсада, ҳали кўп нарсани пухта ўйлаб кўриш керак, Ортиқрилган тажрибага таянадиган, илм-фан, практика билан текширилган, озиқ-овқат масаласини ҳал этишда бизни жадаллаштиришга олиб чиқадиган аниқ-равшан вазифалар ва мақсадларни ҳам ўртага қўйиш лозим.

Биз — тўғри йўлдамиз, иқтисодий қайта қуриш орқали, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш орқали, унинг моддий-техника базасини модернизациялаш ва тармоқлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш орқали колхозлар, совхозларга йўл очиш керак. Буни ҳал этишимизга тўғри келади. Мен мана шу бош йўналишларни таъкидлаб ўтмоқчи эдим, холос, қарорларда ғояларни мана шу йўналишларга мувофиқ ўйлаб, пухта ишлаб чиқиш керак. Биз шу билан кенгашимизни тугаллаймиз. Биз бу ерда гап қоритган нарсалар қайта қуриш жараёнини янада олға силжитиш учун яхши омил бўлади, деб ўйлайман.

(ТАСС).

РАССОМ ИЖОДХОНАСИДА

Исфандиёр Ҳайдаров рассомлик санъатига етмишинчи йилларнинг ўрталарида кириб келган. Ўзбек совет рассомлик санъатининг энг яхши тажрибалари ва анъаналарига таянган, жаҳон, рус классик тасвирий санъати намояндалари ижодини пухта ўрганган мўйқалам соҳиби замонавий темаларда ҳам ўнлаб асарлар яратди. Бу портрет ва картиналар республика, Бутуниттифоқ кўргазмаларида намойиш этилганида санъатшунослар, томошабинлар рассомнинг ўзига хос маҳоратини бир овоздан тан олдилар. И. Ҳайдаров асарлари чет элларда ҳам намойиш этилган.

Рассом айни кунларда янги йирик картиналарини ниҳоясига етказмоқда. Суратда: (чапда) И. Ҳайдаров ўз ижодхонасида. Рассомнинг «Биринчи трактор» картинаси.

Р. ШАГАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

• *Жаҳон прогрессив адабиёти*

Азиз НЕСИН (Туркия)

ТОМОҚ ОПЕРАЦИЯСИ

ҲИКОЯ

Жарроҳларнинг халқаро конгресси бу сафар Люблиц шаҳрида тўпланди. Унга эътибор катта эди. Ўнинчи конгресс жаҳоннинг энг машҳур жарроҳларини йиғибгина қолмай, тумонат одам ҳам тўплаганди. Конгресс деганлари футбол матчи ёки қорасочу малласоч гўзал киноюлдузларининг ич кийимларини кўз-кўз қиладиган матбуот конференцияси бўлмаса-да, унга мамлакат деганнинг ҳаммасидан мухбир ёғилганини айтмайсизми? Конгрессда 23 миллатга мансуб атоқли жарроҳларнинг илмий докладлар билан чиқиши кутиларди. Жарроҳлар орасида шундай ёрқин юлдузлар бор эдики, уларга одам боласини соат механизмидай ёки автомат милтиқдай майда-майда бўлакларга сочиб ташлаб, қайта териш ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам жаҳон матбуоти чўмилиш либосларининг энг сўнгги модалари, мамлакат футбол биринчилиги натижалари ва ваҳимали олди-қочдилар қаторида жарроҳлар конгресси ҳусусида ҳам бир неча сатрли туркум материаллар бериб боришни лозим кўрарди.

Биринчи кун конгресснинг очилиш маросимига бағишланди. Эртаси куни ялпи мажлисда докладлар тингланди. Учинчи кун эса, докладлар бўйича музокаралар бошланди. Машҳур америкалик жарроҳ доктор К. Клаземан ассистенти ҳамкорлигида минбарга кўтарилди. Газеталар ва телеграф агентлигининг мухбирлари шошилинч қўлга қалам олдилар. Зални тўлдириб ўтирган жарроҳлар наушникларни осиб, тинглашга шай бўлдилар. Бунда, албатта, Европанинг тўрт тилидан ўзларига маъқулини танлаб олиш улар ихтиёрида эди.

— Ҳурматли ҳамкасблар! — сўз бошлади доктор К. Клаземан. — Мен ўзимнинг 35 йиллик жарроҳлик тажрибам гултожи саналган ғаройиб бир операция ҳусусидаги ўй-хулосаларимни ўнинчи конгресс қатнашчилари билан баҳам кўрмоқчиман. Маълумки, бармоқ изларини ўзгартириш ҳозирга қадар ҳеч бир жарроҳга насиб этмаган. Тиббиёт тарихи бундай намунани билмайди ва шунинг учун у адабиётларда ҳам акс этмаган. Бармоқлар териси неча қайта шилиб олинмасин, янгидан пайдо бўлган тери ўша эски изни такрорлайверади. Полиция гангстерларни, кассаларни ўмарувчи қулфбузар ва қотилларни осонлик билан тутиб олишининг сири ҳам ана шунда.

Сўнгги операцияларим натижасида мен бармоқ терисидаги изни ўзгартиришга муваффақ бўлдим. Мана, сизнинг қаршингизда Америкаднинг машҳур бизнесменларидан бири — сунъий уруғлантириш қироли мистер Томас турибди. Унинг лақаби «Жаг мажақловчи Жек». Федерал тергов бюроси архивларида у шундай ном билан муҳрланган. Америка полицияси ўн йил бу устаси фаранг қулфбузарнинг изидан қувди, уддалай олмади. Сабаби, ҳар сафар навбатдаги талончиликдан сўнг мен мистер Томасни, яъни «Жаг мажақловчи Жек»ни пластик операция қилдим. Сизни ишонтирай айтаманки, бармоқлар изини ўзгартирувчи операция нафақат энг қийин, айни пайтда энг даромадли касб ҳамдир, алқисса, кассани ўмарган қулфбузар билан ўлжани тенг арра қилиб турилса, унинг нимаси ёмон. Энди эса, жаноблар, ушбу операция сир-асрорини акс эттирувчи кинолентани намойиш этишга рухсат этинг.

Залда ҳозир бўлганлар америкалик ҳамкасблари жарроҳлик бобида учига чиққан, тенги йўқ мутахассис эканлигига якдиллик билан тан бердилар. Лекин америкаликдан кейин сўз олган инглиз жарроҳи бу хулосанинг белига тепди. Мистер Б. Лайнс аллақандай бир одам билан бошлашиб минбарга кўтарилди:

— Бағоят ҳурматли ҳамкасбларим! — дея гапни олиб кетди у. — Мен сизга жаҳон тиббиёти тарихида энг мураккаб ва алоҳида диққат-эътиборга молик деб қайд этилган ноёб операция ҳусусида сўзлаб бермоқчиман. Сиз менинг ёнимда кўриб турганингиз, унтер Мэтью, иккинчи жаҳон урушида душманнинг 26 аскарини ер парчин қилган қаҳрамон бўлади. Лекин, афсуски, душман гранатасининг парчаси унинг бошини танасидан жудо қилди... Қўлбола малҳам билан мен узилиб тушган бошни танасига ўрнатдим, мана кўриб турибсиз, у аввалгисидан аълороқ. Энди уни атом бомбаси ҳам жойидан кўчиролмайди. Ҳозир мен сизларни ана шу шифобахш малҳам тайёрлаш сирлари билан таништираман.

Конгресс қатнашчилари тааммжубдан қотиб қолишди. Жарроҳ зотининг бундан зўри бўлмаса керак, деган ўйхаёл уларни ром этганди. Лекин навбатдаги нотиқ — француз олими уларнинг бу фикрини ўзгартиришга мажбур этди. Олим чўмилиш либосида тирсиллаб турган, оқ маҳзидан келган гўзал хоним билан қўлтиқлашиб минбарга кўтарилди. Хонимга кўзлари тушиши биланоқ кексатоп делегатлар ҳам ўриндиқларида типирчилаб қолишди.

— Ғоят қадрли ҳамкасблар, — сўз бошлади француз жарроҳи. — Мен сизларга ғаройиб пластик операция ҳусусида ҳикоя қилмоқчиман. Агар зални гулдурос қаяжонга тўлдириб юборган мана шу хоним — 65 ёшли менинг қайнонам эканлигини айтсам, умид қиламанки, сиз менинг новаторлигимни муносиб баҳолай оласиз.

Шундан кейин нотиқ айрим тафсилотлар устида тўхтаб ўтди: у ўзига хиёнат қилган хотинидан ўч олиш учун қайнонаси устида иш бошлаб юборган; кеча-кундуз чўзилган операциялар натижаси ўлароқ, қайнонасини ишартиришга муваффақ бўлгач, ўзига маҳбуба қилиб олган. Француз олими ушбу қойилмақом кашфиётни илмий асослаш билан ўз докладини якунлади.

Нотиқлар бирин-кетин сўз олишди ва уларнинг ҳар бири нақ аломат хулосаларни ўртага ташлади.

Инсоннинг ўлими унинг бутун аъзолари ўлди деган гап эмас, — деб маълум қилди немис жарроҳи. — Инфаркт билан ўлган одамда, табиийки, юрак ишдан чиқади, лекин унинг бошқа аъзолари нормал ишлашда давом этиб туради. Менинг назаримда, юрак ёки ўпка ўз фаолиятини тўхтатган билан ўлим бошланмайди. Мен ўлган кишиларнинг соғлом аъзоларидан янги-янги одамлар яратдим. Мана сизнинг қаршингизда, — шу ўринда немис жарроҳи Апполонсифат қоматли навқирон йигитни кўрсатиб давом этди, — шундайлардан бири, бу одамнинг оёқлари аввал кўричак билан ўлган чопоғон атлетники бўлган, танаси — қорасондан ўлган курашчи полвонники, боши — сил касалники...

Конгресс иштирокчилари агар эртага япон жарроҳи яна аллам-бало ғаройиб кашфиёт ҳақида сўз очиб қолмаса, германиялик доктор Гюнтернинг марҳумларнинг соғлом қисмларидан янги одам ясаш операцияси конгрессда тилга олинган барча ихтиролар ичида энг зўри бўлди, деб ҳисоблашарди.

Лекин япон жарроҳи Хими Шияма тингловчиларнинг оғзини очиб қўйди. У ёнида турган одамни кўрсатиб шундай деди:

— Мана бу японни «чўлоқ» деб иккинчи жаҳон уруши даврида аскарликка олишмаганди. Аламига чидолмаган йигит ўзини харакири[1] қилди, оқибатда ичак-чавоғи тўкилиб қолганди...

Мажлиснинг сўнгги куни ҳам етиб келди. Ҳайратли янгиликлар билан чиқиш қилаётган докладчилар бир-бирини чангида қолдириб кетишга интилардилар. Фақат бир четда ўз ҳамкасбларини жимгина тинглаб ўтирган врачгина сукут сақлади. Конгрессниг барча иштирокчилари сўзга чиқиб бўлишди. Раислик қилувчи сукутдаги делегатга мурожаат қилди:

— Жаноб, ўз операцияларингиз ҳақида конгрессга айтадиган сўзингиз йўқми?

— Борку-я, лекин билмадим, менинг ишим сизларнинг эътиборингизга лойиқмикан?

Залдан овозлар эшитилди:

— Ҳа-ҳа, сўз берилсин!

— Конгрессинг ҳамма қатнашчилари доклад қилишлари керак...

Кўпчиликнинг қистови билан врач минбарга кўтарилди.

— Яхши, сазангиз ўлмасин, — деди у, — бўлмаса энди томоқ операцияси — миндални олиб ташлаш бўйича ўз тажрибаларим билан ўртоқлашсам...

Залда кулги гуруллади: «Шунча шов-шув ихтиролардан сўнг топган янгилигини қаранг-а!»

— Жаноблар! — Истеҳзоли кулгулар, афтидан, унга қаттиқ ботганди. — Мен камтарлик ҳаққи, ўзим амалга оширган операция аҳамиятини бир қадар оддийроқ таърифладим. Лекин таҳқирлашларга тоқатим йўқ. Сиз ҳозир томоқ бези — миндални олиб ташлаш ҳақидаги гапимни эшитиб қуляпсиз.

Залда кулгу авжга минди.

— Шу ҳам гапми! Шу ҳам операция бўптими?!

— Бундай операцияларга мен қўлимни ҳам урмайман!

— Жарроҳ учун бундай майда гаплар уят-ку!

Залдан учган хитоблар докладчининг баттар жиғига тегарди:

— Мен томоғидан миндалини олган одамнинг касбикори нималигини биласизми?

— Э, БМТнинг бош секретари бўлмайдими? Операцияга бунинг нима даҳли бор?

Шолғом бўлиб кетган докладчи тўнғиллаб деди:

— Мен операция қилган киши журналист эди!

Конгресс делегатлари қоринларини ушлаб қулишарди.

— Журналист, савдогар, амалдор, аскар — барибир эмасми!

Докладчи қўлини кўтарди.

— Секинроқ! Тўғри, жаноблар, барибир. Лекин ўша пайтда матбуот ҳақидаги қонун эълон қилинган эди. Журналист оғзини очолмасди, шўрликнинг томоқ безини орқа йўлдан олиб ташлашга тўғри келди.

Конгресс делегатларининг юзидан кулгу ўчди. Унинг ўрнини докладчига бўлган чуқур эҳтиром ифодалари қоплади. Гулдурос қарсаклар янгради.

Жарроҳларнинг ўнинчи халқаро конгресси қатнашчилари якдиллик билан бодомсимон без — миндал операциясини тиббиёт тарихидаги энг буюк воқеа, деб тан олдилар.

Русчадан Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ таржимаси.

[1] Харакири — япон самурайларининг ўз қорнини чавақлаб, жонига қасд қилиши.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Афғонистон Республикаси Миллий кенгаши (парламент)нинг Миллий кенгаш халқ палатасининг раиси Х. А. Абавий бошчилигидаги расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган делегацияси икки кун давомида Ўзбекистон пойтахти ҳаёти билан танишди. Меҳмонлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. «Лимонарий» колхоз-комбинати меҳнатчилари ҳузурида бўлдилар.

Делегацияни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида меҳмонлар бутун Совет Иттифоқида амалга оширилаётган қайта қуриш жараёни республикада қандай бораётганлиги билан таништирилди. Ўзбекистон ва Афғонистон халқларининг мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишга интилаётганликлари таъкидланди.

Суҳбатда Афғонистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Ғ. Х. Хамгар, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштирок этдилар.

Афғонистон парламент делегацияси 16 январь куни Кобулга жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

ГАЗЕТА ИККИ ТИЛДА ЧИҚАДИ

Риштондаги «Риштон ҳақиқати» район газетасининг обуначилари энди уни икки тилда ўқийдилар. Газета ҳар сонининг учинчи бетидаги материаллар тожик тилида берилмоқда. Район аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этган тожик миллатига мансуб кишиларнинг хоҳишистаги бажарилди.

Районда кўп тиражли «Ҳаёти нав» («Янги ҳаёт») газетаси ҳам тожик тилида нашр этилмоқда. Бу газета район яқинида жойлашган «Сўх» ҳамда «Ленинград» совхозлари партия комитети ва дирекцияларининг органи бўлиб, у ерларнинг аҳолиси асосан тожиклардан иборат.

(ЎзТАГ).

Илҳом Азизович АЗИЗОВ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг директори Илҳом Азизович Азизов узоқ давом этмаган касалликдан сўнг 1989 йил 14 январда вафот этди. Дўстимиз ва ўртоғимиз, ажойиб ташкилотчи ва принципиал коммунист ҳаётдан кўз юмди.

И. А. Азизов 1917 йил 6 октябрда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Фабрика-завод билим юртини битиргач, мастер бўлиб ишлади. У ишни ўқиш билан қўшиб олиб бориб, Ўрта Осиё индустриал институтини, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабини битирди. Узоқ вақт мобайнида республика халқ маорифи органларида, комсомол аппаратида ва унинг сайлаб қўйиладиган лавозимларида ишлади. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретарлигига, Тошкент район партия комитетининг биринчи секретарлигига, Оржоникидзе район партия комитети секретарлигига сайланди.

И. А. Азизов ўзининг катта ташкилотчилик қобилиятини Бутуниттифоқ савдо палатасининг ГДР ва Ҳиндистондаги вакили, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси директори лавозимларида ишлаганида намоён этди. У 1981 йилдан кўргазмага директорлик қилди.

Партия ва ҳукумат И. А. Азизовнинг Ватан олдидаги хизматларини юқори баҳоладилар. У Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, СССР медаллари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилган эди.

Илҳом Азизович Азизовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

Редактор У. УСМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: ишлаб чиқариш асослари ва электротехника (техника фанлари доктори ёки кандидати), факультетлараро рус тили кафедраси (филология ёки педагогика фанлари кандидати), мактабни бошқаришни илмий ташкил этиш (педагогика фанлари доктори ёки кандидати);

доцентлар: педагогика ва психология ихтисоси бўйича (психология фанлари кандидати), КПСС тарихи, рус ёки чет эл адабиёти, рус тилшунослиги (фан докторлари ёки кандидатлари) ўзбек тили (2 — филология фанлари доторлари ёки кандидатлари), илмий коммунизм ва «илмий коммунизм» ихтисоси бўйича сиёсий иқтисод;

катта ўқитувчилар: рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси (педагогика фанлари кандидати), жисмоний тарбия, «мактабшунослик» ихтисоси бўйича мактабни бошқаришни илмий ташкил этиш, «инглиз тили» ихтисоси бўйича чет тиллар;

ўқитувчилар: жисмоний тарбия (7), факультетлараро рус тили кафедраси (4); рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси (3), «чизмакашлик» ихтисоси бўйича умумтехника фанлари, ишлаб чиқариш асослари ва «қишлоқ хўжалигини механизациялаш» ихтисоси бўйича электротехника; мактабни бошқаришни илмий ташкил этиш (2), биология ва «биология» ихтисоси бўйича география, педагогика ва «педагогика» ихтисоси бўйича психология.

Конкурс муддати — 13 февралгача.

Ҳужжатларни низомга мувофиқ қуйидаги адресга топшириш лозим: 740000, Урганч шаҳри, Х. Олимжон кўчаси, 14-уй, илмий секретарга.

1989 йил 8—10 февралда

САМАРҚАНД ШАҲРИДА

ОБЛАСТЬ ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ КОМИТЕТИНИНГ СПОРТ ЗАЛИ БИНОСИДА

(Гагарин кўчаси, 85 «а» уй)

ортиқча халқ истеъмол товарлари улгуржи савдоси бўйича

РЕСПУБЛИКАЛАРАРО ЯРМАРКА ЎТКАЗИЛАДИ

ЯРМАРКА ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ КЕЛИШИ — 6—7 ФЕВРАЛДА КУТИЛАДИ.

Ярмаркада қатнашиш учун улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари, саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва савдо кооперативларининг вакиллари таклиф қилинади.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги — **«Ўзбекбирлашув» «Узпосредторг»**

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

24 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ, НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ ДИРИЖЕРИ, М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИНИНГ ПРОФЕССОРИ

Абдуғани АБДУҚАЮМОВнинг

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

(Абдуғани Абдуқаюмов туғилган кунининг 60 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 35 йиллигига бағишланади)

ПРОГРАММАДА

БИРИНЧИ БЎЛИМ:

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ ЕТАКЧИ СОЛИСТЛАРИ ИШТИРОКИДА КОНЦЕРТ

ИККИНЧИ БЎЛИМ:

А. ГЛАЗУНОВНИНГ «РАЙМОНДА» БАЛЕТИ ИККИНЧИ КЎРИНИШИДАН САҲНА.

Билетлар театр кассасида соат 10 дан 20.00 гача сотилади.

Справкалар учун телефон: 33-90-81.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

Олимлар уйи директори

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда 45 ёшгача бўлган, гуманитар фанлар соҳасида олий маълумот олган ва ўз соҳаси бўйича, айниқса илмий муассасаларда камида 5 йил ишлаган кишилар қатнаша оладилар.

Конкурсда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, 4 дона фотосурат, таржиманҳол, маълумоти ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси, медицина справкаси (286-форма), сўнгги иш жойидан ижтимоий-ишлаб чиқариш характеристикаси.

Ҳужжатларни топшириш муддати — 10 февралгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Гоголь кўчаси, 70-уй, ЎзССР Фанлар академиясининг Президиуми, илмий кадрлар бошқармаси. Телефон — 33-59-46.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/I да **Кармен**, 18/I да **Дон Кихот**, 19/I да **Отелло**.

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/I да **Келинлар қўзғолони**, 18/I да **Отелло**, 19/I да **Ҳазрати аёл**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/I да **Сўнмас аланга**, 19/I да **Тоҳир ва Зуҳра**.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги раҳбарлиги, коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари «Советская культура» газетасининг ўз мухбири В. Р.Ниёзматовга онаси

Нигора Аҳмедовна НИЁЗМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Партия тарихи институти коллективи институтнинг илмий ходими С. Абдуллаевага онаси

Шаҳодат АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти дирекцияси, партия комитети ва касаба союз ташкилотлари лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори М. Р. Бедиловга отаси

Раҳматулла БЕДИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети ва касаба союз ташкилотлари ҳамда Ўзбек ва қозоқ филологияси факультети коллективи Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг катта ўқитувчиси Н. Дониёровага ўғли

Равшан ДОНИЁРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-15-20, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 11526. Б. — 14. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12